VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

44 (209) ● 2012 йил 31 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ШУ КУНЛАРДА Фарғона шаҳридаги Хўжанд кўчасида барпо этилаётган 30 та кўп қаватли уйда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Марғилон ва Фарғона шаҳарларидаги эски ётоқхона биноларини реконструкция қилиш бўйича ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

5 МАЪНАВИЯТ



РЕСПУБЛИКА шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилоят филиалининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши самарасида бу ерда тез тиббий хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошди.

6 ЖАРАЁН



АЙНИ пайтда Нурота туманидаги уста-ю чеварлар ота-боболаридан мерос миллий ҳунармандчилик сир-асрорларини ёш авлодга ҳам ўргатиб келишмоқда. Мазкур халқчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, туманда 284 нафар тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилди, улар учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинди.

8 КЎЗГУ

**ХАБАРЛАР**

## Ёшлар — соғлом турмуш тарзи тарафдори

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Экстрим — гиёҳвандликка қарши" мавзуида ўтказилган ёшлар фестивали гиёҳвандлик, кашандалик каби иллатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилди.**

Мамлакатимизда ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, интеллектуал, ижодий ва жисмоний салоҳиятини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу жараёнда спортнинг экстремал турлари ҳам ёшлар ўртасида жадал оммалашмоқда. Роликли конькида учиш, скейтборд, тоғ велосипеди каби спорт турлари инсонда тезкорлик, дадиллик, чаққонлик, тез ва тўғри қарор қабул қилиш каби фазилатларни шакллантиради.

## Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар имконияти кенгаймоқда

**Андижон вилоятида қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида мавжуд корхоналар имкониятлари кенгайиб бормоқда.**

Марҳамат туманига сут маҳсулотлари асосан вилоят марказидан келтирилар эди. Туман аҳолиси шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилган, нисбатан арзон ва сифатли сут маҳсулотларини харид қилиш имконига эга бўлди. "Марҳамат сут" хусусий корхонасида тайёрланаётган сифатли сут маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда. Корхонага банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига замонавий технология келтириб ўрнатилди ва ишлаб чиқариш жараёни тўла автоматлаштирилди. Айни кунда бу ерда 18 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

## Олдини олган афзал

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида бўлиб ўтган тадбир инсультнинг олдини олиш масалаларига бағишланди.**

Соғликни сақлаш вазирлиги, Неврологлар уюшмаси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, шифокорлар, талабалар, ўқувчи-ёшлар, маданият, санъат намояндалари, спортчилар, журналистлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбир иштирокчилари соҳа мутахассислардан инсультга олиб келувчи омиллар, уларнинг олдини олиш чоралари, бунда соғломлаштириш машғулотлари ва спортнинг аҳамияти, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиш ва асабни асраш услублари хусусида маълумот олдилар. Таниқли санъаткорлар, ёш ижрочилар иштирокидаги концерт, қадимий ва замонавий бадиий гимнастика услублари бўйича кўргазмали чиқишлар тадбирга янада файз киритди.

**ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ**



## Сайлов қонунчилиги янада такомиллашади

**ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАЙЁРЛАНГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЯНА БИР БОР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

***Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Фракция аъзолари дастлаб «Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

2-бет

**ЖАРАЁН**

## Партиялараро рақобат

**ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ**

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, жамиятни эркинлаштириш, кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаётидаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Амалдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, қарорлар қабул қилишда партияларнинг нуқтаи-назарига эътибор қаратиш ҳамда ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда.***

Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар сиёсий партиялар фаолиятини тубдан янгилаш, ваколат ва имкониятларини кенгайтириш, масъулиятини янада кучайтириш, депутатлик бирлашмалари фаоллик ва ташаббускорлигини оширишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Энг муҳими, мазкур Концепция мамлакатимизда парламентаризм ва сиёсий партиялар фаолияти ривожини янги босқичга кўтарди.

Дарҳақиқат, юртимизда демократик жараёнлар ривожланиб, фуқаролик жамияти мустаҳкам қарор топаётган, кўппартиявийлик тизими чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда сиёсий партиялар ўртасида ғоя ва дастурлар кураши етакчи ўринга чиқмоқда.

2-бет

**ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА**

## «Алла» фестивали

**ЎзМТДПНИНГ МАЗКУР ЛОЙИҲАСИ АЁЛЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

***Халқ оғзаки ижодида халқнинг дунёқараши, турмуш-тарзи, маънавий олами ва миллий менталитети ўз аксини топади. Унинг бир бўлаги бўлган алла ҳам ўзининг фарзанд тарбиясида тутган ўрни билан жуда қадрлидир. Алла меҳри уммондай жўш урган она қалбининг туб-тубидан отилиб чиқувчи ҳароратли нола. Она алласи орқали мурғаккина гўдак ҳаётни танийди, қалбида эзгулик ва яхшилик уруғлари ниш уради, маънавий-руҳий олами бойиб боради.***




3-бет

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ижтимоий шерикликнинг асосий йўналишларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси юзасидан фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрловчи комиссия ҳамкорлигида ташкил этилди.***

## Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

**ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ**

## Сайлов қонунчилиги янада такомиллашади

### ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАЙЁРЛАНГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЯНА БИР БОР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)



Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси ЎзМТДП фракциясининг бир гуруҳ аъзолари томонидан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг «Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш» йўналишидаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди. Фракция аъзолари муҳокама жараёнида депутатларнинг жойлардаги партия электорати билан учрашувларида, эксперт мутахассислар, кенг жамоатчилик, нодавлат ташкилотларнинг вакиллари иштирокидаги муҳокамаларда, қатор тадбир ва давра суҳбатларида билдирилган фикрлари қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этишини эътироф этишди.

— Партиямиз демократик қадрият ва кўникмаларни жорий қилиш, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларини чуқурлаштириш тарафдори сифатида, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли таъминланишига интилади, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси М.Ражабова. — Фракциямиз аъзолари ташаббуси билан тайёрланган сайлов эркинлиги принципларини таъминлаш ва соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган мазкур қонун лойиҳаси ЎзМТДП дастурий мақсадларига тўла мос келади. Шу боис мазкур ҳуқуқий ҳужжатни якунига етказишда барчамиз фаол иштирок этишимиз лозим.

— ЎзМТДП жамиятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этишга интилаётган сиёсий куч сифатида миллий сайлов тизими, фуқароларимизнинг қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолатланишини тўла қўллаб-қувватлайди, - деди йиғилишда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Эшмуродов. — Фракциямиз аъзолари ташаббуси билан тайёрланган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси сайловчилар ҳуқуқларини янада таъсирчан ҳимоя қилиш, у ёки бу номзодга салбий муносабатда бўлишнинг олдини олишга қаратилган қатор масалалар ўз аксини топмоқда. Мазкур қонунчилик ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш борасидаги вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фракция аъзолари томонидан бир қатор фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилганидан сўнг ушбу қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда маъқулланди.

Йиғилишда «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасига кўра, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи алоҳида қонунчилик ҳужжатларини "Рақобат тўғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштириш, яъни "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"-ги, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонунларга ўзгартишлар ва қўшимча киритиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокамадан ўтказишди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади. Маълумки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига асосан, оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтиши ҳамда унга солиқ солинмаслиги белгиланган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 176-моддаси саккизинчи банди ва 179-моддасининг олтинчи бандига оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтганда, унга солиқ солинмаслиги тўғрисидаги қўшимчалар киритиш ушбу қонун лойиҳасида таклиф этилмоқда. Солиқ кодексининг 351-моддасига эса оилавий корхона фақат ягона солиқ тўловчиси ҳисобланиши юзасидан ўзгартириш киритиш кўзда тутилмоқда.

— Мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан оилавий корхоналарнинг барқарор фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилиши таъминланади ҳамда оилавий корхоналарнинг солиқ ва бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган тартибда юритиши учун ҳуқуқий база яратилади, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Жумаев. — Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мақсад-муддаоларига ҳамоҳанг бўлиб, миллий ҳунармандчилик, касаначилик каби оилавий тадбиркорлик йўналишларининг янада ривожланишига зарур ҳуқуқий кафолатларни яратиб беради.

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан ишлаб чиқилган. Унга кўра, Солиқ кодексига сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини йўналтирилган маблағларга, ягона солиқ тўлови бўйича солинадиган солиқ базасини камайтириш назарда тутилмоқда.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига олиб кириш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

**Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига олиб кириш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.**

Кун тартибидаги навбатдаги масала «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди. Қонун лойиҳасининг мақсади тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси доирасида иқтисодий зарар ва миқдор даражасини ошириш каби квалификация белгиларини эркинлаштириш йўли билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштиришдан иборатдир.

Фракция аъзолари эътиборига ҳавола этилган «Тезкор-қидирув фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

— Инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун шарт-шароитлар яратиш, ҳамда мамлакатни сиёсий ва иқтисодий модернизациялаш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадларидан саналади, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Раҳмонов. — Шу нуқтаи назардан "Тезкор-қидирув фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси партиямиз дастурий вазифаларига ҳамоҳангдир. Чунки, ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, демократлаштириш ва модернизация жараёнларининг мантиқий давомидир. Лойиҳа тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари ҳамда ушбу фаолият билан шуғулланадиган органлар тизимини аниқ белгилаб бериши билан аҳамиятли. Қонун лойиҳасининг асосий мақсади тезкор-қидирув йўналишидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишдан иборат. Бир сўз билан айтганда, Қонунинг қабул қилиниши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини либераллаштиришга кенг шароит яратиб, инсоннинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатлари, давлат ва жамият хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш ва фош этиш, жиноятларга тайёргарлик кўриш ва содир этилишига алоқадор бўлган шахсларни топиш ва аниқлаш, яъни жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини янада оширади.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

**ЖАРАЁН**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу, аввало, сиёсий партияларни бир-биридан ажратиб турадиган асосий омиллар — ғоя, мафкура, позиция, мақсад ва вазифалар, дастур ва сайловолди Платформасида акс этади. Жумладан, ўтган сайловлар жараёнида ҳар бир сиёсий партия ва улардан кўрсатилган номзодлар сайловчиларга турли хил ваъдалар беришди, ўз дастурларини илгари суришди. Хўш, уларнинг ижроси марказ ва жойларда қандай таъминланмоқда?

Маълумки, сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда депутатлик бирлашмалари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хусусан, партиялар дастурий мақсад ва ғоялари ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда қарорлар қабул қилишда ташаббус кўрсатиш депутатлик бирлашмаларидан алоҳида масъулият талаб этади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишларида қонун лойиҳалари устида ишлаш ва муҳокамаси жараёнида ҳар бир партия фракцияси ўз электорати манфаати ва нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, илгари суриш каби ҳолатларни бот-бот кузатиш мумкин. Бу ўз навбатида, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ҳамда маромига етказишга олиб келади. Масалан, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари ўртасида қизғин муҳокама ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Муҳокамалар чоғида партия фракциялари томонидан турли фикр, мулоҳаза ва қарашлар билдирилди. Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари муҳокама чоғида қонун лойиҳаси партиямиз дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида иқтисодиёт соҳасида олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш, электоратимиз бўлган кўп сонли маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар, ҳунармандлар, оилавий тадбиркорлар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият олиб бораётган вакилларимизнинг барқарор фаолият юритишида янада қулай муҳит, қўшимча ҳуқуқий ва иқтисодий шароит ҳамда имконият яратишини эътироф этишди. Шунингдек, фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси таҳририни Президент фармонининг 1-иловаси 21-бандидаги таҳрир билан бирхиллаштириш керак, деган нуқтаи назарни илгари сурдилар. Чунки унда тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кўрсатилган хизматлар учун, хусусан, берилган кредитлар бўйича тадбиркорлар тижорат билан боғлиқ бўлган ўз шартнома мажбуриятларини бажармаган ҳолати банк-молия ходимларининг жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги кўрсатилган. Тақдим этилган қонун лойиҳасида эса юқорида кўрсатилган ҳолатда банк-молия ходимларининг ҳаракати жиноят ҳисобланмаслиги таклиф этилмоқда. Фракция аъзолари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорнинг бир қисмини давлат рўйхатидан ўтказишдан олдин тўлаш лозимлиги ҳақидаги талаб бекор қилинаётгани тадбиркорларга қатор қулайликлар беришини эътироф этдилар.

Қонун лойиҳасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг айрим моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсларга нисбатан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари мазкур юридик шахснинг мансабдор шахси, мулкдори ёки ваколатли бошқарув органи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади" мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилмоқда. ЎзМТДП фракцияси нуқтаи назарича, ушбу тўлдириш устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсни мол-мулки фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилинган ҳолларда ҳам жиноят иши юридик шахснинг мансабдор шахси, мулкдори ёки ваколатли бошқарув органи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатиш зарур, деб белгиланиши лозим.

Айрим бошқа сиёсий партиялар фракциялари вакиллари муҳокама жараёнида қонун лойиҳасида "энергия таъминоти билан боғлиқ масалаларни акс эттириш" лозимлигини ёқлаб чиқмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг баъзи вакиллари эса, "ушбу қонунда ишбилармонлик муҳитини яхшилашда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш зарур"лигини илгари суришди.

ЎзМТДП фракцияси бошқа партия фракциялари нуқтаи назарини ҳурмат қилган ҳолда, айрим масалаларда улар илгари сураётган фикрларга қўшила олмайди. Жумладан, бошқа айрим сиёсий партия фракцияси аъзоларининг "энергия таъминоти билан боғлиқ масалаларни акс эттириш" лозимлиги тўғрисидаги фикрлари «Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг предмети эмас, деб ҳисоблайди.

## Партияларaро рақобат

### ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Умуман олганда, мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишдаёқ сиёсий партиялар фракциялари ўртасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Кейинги муҳокамалар чоғида ҳам фракциялар томонидан қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар илгари сурилиши кутилмоқда. Бу эса ушбу қонун лойиҳасини янада пухта, пишиқ бўлишига олиб келади.

**Камолиддин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

**ДЕПУТАТ МИНБАРИ**

## Истиқлол тарихи

### УНИ ЎРГАНИШ ВА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

"Мустақиллик" деган тотли неъматни қанчалар машаққат билан қўлга киритганлигимиз, бугунги юрт тинчлиги ва осойишталиги ўз-ўзидан бўлмаганлигини рўй рост, тарихий далиллар билан акс эттирган "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли асар истиқлолга эришиш йўлида ҳар бир жабҳада амалга оширилган кенг кўламли ишлар аҳамиятини англаш имконини беради. Ушбу китоб шу тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш, уни қадрлашга даъват этади.

Бугун мамлакатимиз бутун дунёга қўлга киритаётган улкан ютуқларини намойиш этмоқда. Хоҳ таълим, хоҳ тиббиёт, хоҳ кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини кўринг, асрларга татигулик ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Яқинда пойтахтимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Жаҳоннинг ўнлаб давлатларидан ташриф буюрган ишбилармон доира вакиллари, халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари, иқтисодчи олим ва мутахассислар "Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда жадал ривожланаётган мамлакатдир", деган хулосани билдиришди. Бу эътирофни мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб танлаб олинган, ривожланишнинг "ўзбек модели" нақадар пишиқ-пухта эканлигининг амалдаги исботи дейиш мумкин.

Яқинда ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши, "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда "Мурувват" маҳалла фуқаролар йиғинида "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўрганиш бўйича тадбир ўтказдик. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этишди. Учрашувда маҳалла фаолларидан М.Маслова, В.Сердюкова, Д.Мусаева, участка нозири Ж.Халимов сўзга чиқиб, мустақиллик қанчалик қадрли эканлиги, Президентимизнинг мазкур асари ёш авлод қалбида ватанпарварлик, фидоийлик, Она-Ватанга меҳр, садоқат каби туйғуларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапириб ўтишди. Бундай учрашувларни бежиз ёшлар иштирокида ўтказмаяпмиз. Улар мустақиллик ўз-ўзича қўлга киритилмаганлигини, бу йўлда қанчадан-қанча машаққат ва ҳаракатлар қилинганлигини англашлари керак.

Президентимиз ўз китобида ёшларимиз ўқиб-ўрганишлари, билишлари керак бўлган бир қанча тарихий воқеаларни қайд этади. Ватанимиз мустақиллигини кўролмайдиганларга қарши туриш, собиқ тузим даврида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш ўша вақтда ўта мураккаб вазифа эди. Юртбошимизнинг жасорати, қатъияти туфайли мамлакатимиз, халқимиз ғоят машаққатли йўлни мардона босиб ўтишга эришди. Китобда мустақилликка эришишимизда бошимиздан кечирган тарихий воқеалар ҳақида кўплаб манбалар мавжуд. Биз бу каби тадбирларни тез-тез ўтказиб туришни режалаштирганмиз.

**Фарҳод ЭРНАЗАРОВ, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



## «Алла» фестивали

### ЎзМТДПНИНГ МАЗКУР ЛОЙИҲАСИ АЁЛЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқимизнинг миллий, илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилаётган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади.

Бу ишларни амалга ошириш борасида қатор лойиҳа ва тадбирлар, фестиваллар ташкил этилмоқда. Шундай лойиҳалардан бири — 2010 йилдан буён ўтказиб келинаётган турли миллат вакилларининг "Алла" фестивали бу йил учинчи бор ташкил қилинди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси "Аёллар қаноти", Республика Байналмилал маданият маркази ва "Оила" илмий-амалий маркази қошидаги "Алла уйи" маданий-маърифий маркази ҳамкорлигида "Аёллар маънавияти — баркамол авлод тарбиясининг муҳим омили" шиори остида ўтган "Алла" фестивалида ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, "Аёллар қаноти" етакчилари, Республика Байналмилал маданият маркази, "Оила" илмий-амалий маркази ва "Алла уйи" маданий-маърифий маркази вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Фестивалда озар, поляк, немис, турк, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, татар, қримтатар, бошқирд, хитой, ўзбек ва бошқа миллат аллалари иштирокчилар томонидан юксак савияда ижро этилиб, алланинг нақадар сеҳрли кучга эга эканлигини намоён этишди.

Фестивалда иштирок этган фахрий аёллар, партия фаоллари тадбир борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар эканлар, бунда ЎзМТДПнинг позицияси миллий давлат доирасида миллатлараро тотувлик ва турли ижтимоий қатламлар ичида бирдамлик сиёсий барқарорликнинг асоси бўлиб хизмат қилишини эътироф этишди. Бу ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида илгари сурилган дастурий мақсад-вазифаларга ҳамоҳанг эканлигини билдиришди.

Фестивал якунида ЎзМТДП Марказий Кенгаши лойиҳа иштирокчиларига партиянинг диплом ва эсдалик совғаларини топширдилар.

***Шоира УМАРОВА, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари:***

— "Алла" фестивалини ўтказишдан асосий мақсад нафақат халқимизнинг, балки юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг миллий қадриятларини, анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда уларни келажак авлодга етказиш, ёшларимизни миллийлик руҳида, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашдан иборат. Ҳар бир миллатнинг миллий қадриятлари борки, улар ёш авлод тарбиясида миллатнинг, халқнинг маънавиятида муҳим ўрин тутади. Жумладан, алла ҳам фарзанднинг баркамол бўлиб вояга етишида, оналар тилидан улар онгига, юрагига эзгулик, муҳаббат ғояларининг сингдирилиши ва шу руҳда тарбияланишида алоҳида аҳамият касб этади. Алла орқали тинчлик, садоқат ва муҳаббат тарғиб қилинади, меҳр-оқибат тараннум этилади. Фестивалда қатнашаётган барча миллатларнинг аллаларига эътибор берадиган бўлсак, бир хил оҳанг, бир хил руҳ мавжуд экани, инсон руҳиятига ёруғлик улашувчи бир туйғу, яхшилик ва эзгулик уруғларини улашувчи оҳанг борлигини ҳис қилиш мумкин.

Бундай фестиваллар орқали алла қўшиғи ва шу каби қадриятлар абадий бўлишига эришиш мумкин. ЎзМТДПнинг бош мақсади бўлган миллий қадрият ва анъаналарни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказиш мана шундай фестивал ва анжуманлар орқали рўёбга чиқиши шубҳасиз.

***Муножот НУРМАТОВА, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари ўринбосари:***

— Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда, ўзаро аҳилликда, меҳр-оқибатда, ягона Ватан туйғуси билан яшаб, Ўзбекистоннинг буюк келажаги қурилиши йўлида хизмат қилмоқда. Шундай эзгулик ғояларини тараннум этиш, инсонпарварлик, ватанпарварлик ғояларини кундалик аъмолимизга айлантириш, уларни ёшларимиз қалбига сингдиришда оилаларнинг, оналарнинг, айниқса, она алласининг ўрни ва аҳамияти катта. Алла қўшиқларида она меҳр-муҳаббати мужассам бўлади. Она меҳрмуҳаббатига, алла сеҳрига тўйиб вояга етган фарзандлар ўз ота-онасига, инсонларга, Ватанига садоқатли бўлади. Оналар аллаларини тарғиб ва ташвиқ қилишда ушбу алла фестивалининг ўрни муҳим. Бугунги фестивалда иштирок этган турли миллат ва элатларнинг аллалари миллатларни ўзаро бирдамликка, ҳамжиҳатликка чорлайди.

Ушбу лойиҳа ташаббускори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг ҳаракат дастурида кўзда тутилган оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг бой маданий, маънавий ва миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби мақсадларини амалга оширишда бу каби ёркин лойиҳаларнинг ўрни беқиёсдир.

***Мунаввар ЁҚУББЕКОВА, "Оила" илмий-амалий маркази қошидаги "Алла уйи" маданий-маърифий маркази раҳбари:***

— Фестивалда турли миллат вакиллари алла қўшиқлари билан иштирок этиб, ўзларининг маданият дебочаларини намоён этдилар. 3 йилдан буён ЎзМТДП билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Алла" фестивали дўстлик байрамига, оналарнинг шукуҳли тантанасига айланиб кетган. Ҳар бир она фарзандига ўз меҳрини, юрак қўрини қўшиб алла айтади. Шунинг учун ҳам алла оналар қалбига яқин туради. Алла авлодлар давомийлигини таъминлайдиган қўшиқ. Алла эшитган бола ота-онасига, Ватанига, халқига вафодор бўлади, оиласини қадрлашни ўрганади. Шунинг учун ҳам "Алла уйи" маданий-маърифий марказимиз турли миллат аллаларини тўплаб, уларнинг маданият марказларига етказиб берамиз. Ҳар йили турли тилдаги алла тўпламларини чоп этамиз. Ҳозиргача ўзбек ва озарбайжон аллаларини тўплам сифатида нашр этдик. Эндиликда қрим-татар ва бошқа тиллардаги алла тўпламларини тайёрлаяпмиз.

***Нилуфар ПАРДАЕВА, иштирокчи:***

— ЎзМТДП ташаббуси билан ўтказилган кўплаб байрам, тадбирларда иштирок этганман. Аммо ушбу "Алла" фестивалида биринчи бор қатнашяпман ва шунга амин бўлдимки, миллий тикланишнинг асосий принципи — халқ маънавиятини тиклашга кўмаклашувчи анъаналар ва ижтимоий тараққиёт бирлиги принципини ҳаётга жорий этишни ўз олдига мақсад қилиб олган ЎзМТДПнинг ҳар бир лойиҳаси ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотишга хизмат қилади. Ҳар бир миллатнинг алласи ўзига хослиги билан ажралиб туради. Аммо умумий бир оҳанг, жўшқинлик ва сокинлик руҳи барчасини бирлаштириб турибди. Бундай лойиҳалар биз ёшлар учун зарур, деб ўйлайман. Зеро, миллийлик унсурлари тараннуми ўзлигимизни англашда, миллий тафаккуримизнинг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● ХРОНИКА

## ЎзМТДП нуқтаи назари

### ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИДА УСТУВОР АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

#### СИРДАРЁ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Оқолтин туман Кенгаши ва Маънавият-тарғибот маркази туман бўлими, "Ҳунарманд" уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими ҳамкорлигида "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш — барқарор тараққиёт таянчи" мавзусида тадбир ўтказилди.

Юртимизда ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган оилаларга қўшимча имкониятлар яратиш, банкдан имтиёзли кредит олишга кўмаклашиш, халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарга таянган ҳолда фаолият юритиб келаётган ҳунарманд ва оилавий бизнес вакиллари сафини кенгайтириш, улар меҳнатини рағбатлантириш партиянинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Хусусан, ЎзМТДП Марказий Кенгаши ташаббуси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида республика миқёсида ўтказилаётган лойиҳа замирида электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага ёшларни жалб қилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Тадбирда сўзга чиққанлар оилавий бизнес ва миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мактаблари фаолиятини жонлантириш, янгиларини ташкил этиш лозимлигини таъкидлашди. Шунингдек, соҳада учраётган айрим камчиликларни бартараф этишда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлиги эътироф этилди.

#### САМАРҚАНД

Ёш авлоднинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, демократик жамият қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Бу борада партия "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимиз тараққиёти йўлидаги изланишларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда "Глобаллашаётган дунёда Ўзбекистон ёшларининг ўрни" мавзусида тадбир ўтказилди.

— "Оммавий маданият"нинг турли салбий кўринишлари таъсирига тушиб қолиш, турли ахборот хуружларидан ҳимоялаш, ғарбча кийиниш, бетартиб ҳаётга ўрганиш каби иллатлардан ёшларни асраш, улар маънавиятини янада бойитиш, бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан ўтказишини таъминлаш орқали комил инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билим ҳамда кўникмаларини бойитишга кўмаклашиш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир, - деди ЎзМТДП Пастдарғом туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли Муборак Афғонова. — Маълумки, ёт ғояларга қарши фақат миллий мафкура мустаҳкамлиги билан жавоб бериш, ғояга қарши ғоя билан курашиш самарали йўл саналади. Шу боис миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш зарур.

Тадбирда бугунги глобаллашув жараёнида ёш авлоднинг турли салбий иллат ва оқимларга кириб кетмасликлари учун тарғибот ишларини янада кучайтириш, уларнинг интернет тизимидан тўғри мақсадларда фойдаланишларига эришиш лозимлиги ва бу борада партия ташкилотлари ташаббускорлигини ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Тадбир якунда ёшларнинг қизиқишлари ва дуч келаётган муаммолари ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан иштирокчилар фикрмулоҳазалари асосида партия туман Кенгашининг келгуси чора-тадбирлари белгилаб олинди.

#### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Оҳангарон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда "Мустақиллик - бу ҳуқуқдир" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия Оҳангарон туман Кенгаши фаоллари, "Ёшлар қаноти" ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари Оҳангарон туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида юртимизда эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда улар манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида фикрмулоҳазаларини билдирдилар.

Юртимизда инсон ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг олий қадрият сифатида эъзозланиши, жамият ҳаётидаги янгиланиш ва ўзгаришлар, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилганлиги мамлакат сиёсатининг устувор вазифаларидандир. Бу борада ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар қалбига истиқлол ғоясини сингдиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилаётган қатор тарғибот тадбирлари муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбир сўнгида партия туман Кенгашига ариза билан мурожаат қилган бир гуруҳ фуқаролар ЎзМТДП сафига қабул қилиниб, аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, Абу Али ибн Сино каби буюк бобокалонларимиз асарларида ўз ифодасини топган, Ўзбекистон халқига тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилиш борасидаги миллий давлат дастурларининг ижросини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.***

## Қуйи бўғин тажрибаси

### ТУМАН ҲУДУДИДА ОММАЛАШТИРИЛМОҚДА

Бу борада партия ҳудудий ташкилотлари томонидан тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар, қабул қилинаётган қонунлар моҳиятини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилишга қаратилган қатор тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Шунингдек, тиббиёт муассасаларида бошланғич партия ташкилотлари ташкил этилиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада юксалтириш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоят Миришкор туманидаги "Саломатлик маркази" қошида ташкил этилган қуйи бўғин ҳам ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини фаол тарғиб қилаётган ташкилотлар сирасига киради.

Туман "Саломатлик маркази"да тиббиёт йўналишида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинаётган қонунлар аҳамиятини жамоатчиликка етказиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, профилактик тадбирлар савиясини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жараёнда бошланғич партия ташкилоти ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, қуйи бўғин фаоллари аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Уларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар, айниқса, балоғат ёшидаги қизларга амбулатория текширувларининг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Халқимизда касални даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул, деган нақл бежизга айтилмаган, — дейди БПТ етакчиси Ҳасан Чориев. — Шу боис қуйи бўғин фаоллари аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни кенг тарғиб қилиш мақсадида партия туман Кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Бу эса партия мафкураси ва ғоясини аҳоли онгига сингдириш билан бирга, бугунги кунда сиёсий партиялар орасида бўлаётган соғлом рақобатда фаол иштирок этиш, ўзимизнинг мустаҳкам позициямизни яратишга хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида қуйи бўғин томонидан "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, мустаҳкам оила пойдеворини яратиш", "Туризмни ривожлантириш, бу соҳадаги иқтидорли шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш", "Мустақиллик ва миллий маънавиятнинг тикланиши" каби мавзуларда ҳамда Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китобининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган ўнга яқин давра суҳбати ўтказилди. Фаолларимиз "Ижро этувчи ҳокимият органлари устидан назоратни амалга ошириш соҳасида халқ депутатлари туман Кенгашининг ўзаро ҳамкорлиги механизмини янада такомиллаштириш" мавзусида бўлиб ўтган депутатлик гуруҳи йиғилишида иштирок этиб, ўз таклифларини билдирдилар.

Бошланғич партия ташкилоти фаоллари партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни бартараф этиш, "устоз-шогирд" анъанавий институтини шакллантириш юзасидан халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳига ҳудудда туризмни ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида таклифларини киритмоқда.

— Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш, жамоатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда демократик қадриятларни инсонлар онгига сингдиришга кўмаклашишда бошланғич партия ташкилотлари фаолияти муҳим аҳамият касб этади, - дейди ЎзМТДП Миришкор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Й.Очилов. — Шу боис партия туман Кенгаши томонидан қуйи бўғин фаолиятини жонлантириш мақсадида турли ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Қуйи бўғинлар фаолияти мунтазам танқидий-таҳлил этилиб, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари партия ғоя ва мафкурасини жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилаётган, ташаббускор ва етакчи бошланғич ташкилотлар фаолиятини оммалаштириш, улар тажрибасини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туман "Саломатлик маркази" қошидаги БПТ фаолиятини оммалаштириш юзасидан ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

**Абдулла НАБИЕВ,**
**ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси**

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҲАМКОРЛИК



## Миллийликка йўғрилган спорт

### УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎзМТДП ЭЪТИБОРИДА

***Халқимиз азалдан тўй-томоша ва байрам сайилларида миллий ўйинлар ва спорт мусобақалари ўтказиш орқали ўзларининг жисмоний қобилиятларини шакллантириб борган. Афсуски, бу анъаналар мустабид тузум даврида эскилик сарқити сифатида қораланиб, поймол этилди. Мустақиллик туфайли миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланиб, ёшларимизга аждодларимизнинг бой тарихи ва маънавий меросини ўрганиш имконияти яратилди. Кураги ерга тегмаган ўзбек полвонлари яна давра айланиб, ўзига талабгор изламоқда.***

"Ўзбек жанг санъати" спорт тури ҳам истиқлол шарофати билан қайта тикланди. "Ўзбек жанг санъати" буюк аждодларимизнинг ҳимоя воситаси ҳисобланиб, соҳибқирон Амир Темур жангчилари томонидан кенг қўлланилган. Лекин у ҳақидаги маълумотлар жуда кам сақланган. 2009 йилда "Ўзбек жанг санъати" федерациясининг ташкил этилиши ўзбек спорти тарихида катта воқеа бўлди. Федерация президенти, ЎзМТДП аъзоси Пўлат Усмонов билан суҳбатимиз "Ўзбек жанг санъати"нинг ривожи ҳақида борди.

**— "Ўзбек жанг санъати" миллий спорт тури сифатида тобора ривожланиб бормоқда. Унинг бошқа спорт турларидан фарқли томонлари нимада?**

— "Ўзбек жанг санъати" спорт турининг аҳамиятли томони шундаки, унда спортчи жисмонан бақувват бўлиши билан бирга, маънан етук, баркамол, сезгир бўлиб шаклланади. Шунингдек, жанг санъатида соғломлаштириш ва матонат йўналишлари ҳам борки, улар инсон руҳий оламини чиниқтиришга хизмат қилади. Мазкур спорт тури билан 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ёшу-қари бирдек шуғулланиши мумкин. Қолаверса, "Ўзбек жанг санъати" азалий қадрият ва анъаналаримизни ўзида уйғунлаштиргани билан бошқа спорт турларидан фарқ қилади. Бугунги кунда юртимизда "Ўзбек жанг санъати" спорт тури билан 50 минг нафарга яқин ёшларимиз мунтазам шуғулланмоқда.

**— "Ўзбек жанг санъати" федерацияси 2009 йилда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билан ҳамкорлик меморандумини имзолаган эди. Жанг санъатини оммалаштириш ва ривожлантиришда бу ҳамкорлик алоқалари қай даражада давом этмоқда?**

— Мамлакатимизда ўзбек миллий спорти ва миллий халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жанг санъатини оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида 2009 йилда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу аждодларимиз маънавий мероси, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни келажак авлод онгига сингдириш, истеъдодли, иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришда қўл келмоқда. Шунингдек, ёш авлодни ота-боболаримиздан мерос жанг санъати билан яқиндан таништириш, уларни маънан ва жисмонан чиниқтириш, миллий спортимиз довруғини мамлакат ва жаҳон узра ёйиш, ушбу спорт турини оммалаштириш, тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида кўп асрлик қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Партия билан ҳамкорлигимиз замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам. Меморандумда белгиланган ўзаро ҳамкорлик талабларига асосан ўтган давр мобайнида қатор тарғибот тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказилди. Хусусан, ЎзМТДП "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" ҳамда ҳудудий кенгашлар томонидан республика миқёсида "Миллий тикланиш соврини учун", "Баркамол ёшлар Ватанимиз келажаги" каби мавзуларда турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Эътиборлиси, жорий йилда ҳамкорликда ташкил этилган тадбирларда 17 минг нафардан ортиқ фуқаролар фаол иштирок этди. Бундан ташқари, партия томонидан ўтказиб келинаётган лойиҳаларда ҳам ўзбек жанг санъатини оммалаштиришга кўмаклашиш мақсадида кўргазмали чиқишлар ташкил этилмоқда. Жумладан, "Хуш келдинг, Наврўз!" ва "Донолик ва ташаббускорлик —сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танловларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлар ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда юқори савиядаги спорт тадбирлари, мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

**— Ўзбек жанг санъатининг халқаро миқёсдаги нуфузини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирсангиз.**

— Ушбу спорт турининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, федерациямиз Жаҳон жанг санъатлари уюшмаси (WoMAU), Бутун Жаҳон Яккакурашлари ташкилоти (W.A.S.C.O), Бутун Жаҳон спорт ҳамма учун халқаро фестивали (TAFISA), Германиядаги Халқаро Жанг Санъатлари Ассоциацияси (МАА) ва Россия федерациясининг жанг санъатлари олимпиадасига аъзо бўлди. Чунки жанг санъати техникасини такомиллаштириш ва доимий ривожлантириб боришда халқаро мусобақа ҳамда фестивалларда иштирок этиш муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда "Ўзбек жанг санъати" терма жамоа вакиллари қатор халқаро мусобақаларда муносиб қатнашиб келмоқдалар. Жумладан, 2009 йилда Хорватия давлатининг Пула шаҳрида бўлиб ўтган халқаро W.A.S.C.O ташкилотининг III жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этдилар. 2010 йил Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида "Ўзбек жанг санъати" жамоаси аъзолари 7 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медалларини қўлга киритиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Шу йили Кореянинг Чонг-жу шаҳрида 42 мамлакат вакиллари иштирок этган Жаҳон якка курашлари фестивалида умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритдик. Жорий йилда жанг санъати усталари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Шарқ-Ғарб" жанг санъатлари олимпиадасида 8 та олтин, 1 кумуш ва 2 та бронза медалларига эгалик қилишди. Аҳамиятлиси, мусобақанинг очилиш маросимида намойиш этилган кўргазмали чиқиш 20 мингдан ортиқ томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

**— Ўзбек жанг санъатини ривожлантириш, кенг тарғиб қилишда унинг илмий асослари ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу борада қандай янгиликлар қилинаяпти?**

— Бу спортни ривожлантиришда нафақат амалий ишларни жадаллаштириш, балки унинг илмий асосини ҳам мустаҳкамлаш олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади. Хусусан, олимларимиз томонидан "Ўзбек жанг санъати" ҳақидаги тарихий манбаалар ўрганилмоқда. Амир Темур, Алишер Навоий асарлари ва уларга ишланган миниатюраларда "Ўзбек жанг санъати" элементлари акс этган. Улар асосида спорт техникаси шакллантирилмоқда. Айни пайтда, хорижий давлатларда қолиб кетган буюк мутафаккир боболаримиз асарларини ўрганиш устида ишлар олиб борилмоқда. "Ўзбек жанг санъати" федерацияси миллий соғломлаштириш йўналишида ўзининг "Ассалом тонг", имконияти чекланган спортчиларга "Матонат" қўлланмаларини, Ўзбек жанг санъати ўқув қўлланмасини ва яна бир қанча китобларни чоп этди.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбек жанг санъати" спорт турини оммалаштириш, халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, халқаро жаҳон шарқ якка курашлар ташкилотининг WoMAU махсус журналида "Ўзбек жанг санъати" ҳақида мақолалар чоп этилмоқда. Қолаверса, халқаро телеканалларида ушбу спорт турига бағишланган роликлар намойиш этилмоқда. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз, аждодларимиз бой маънавий мероси моҳиятини спорт воситасида дунёга танитаётган "Ўзбек жанг санъати" янада ривожланиши ва тараққий этиши шубҳасиз.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**Муҳтарама КОМИЛОВА**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида

**(Давоми. Боши 1-бетда)**



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йилда бўлиб ўтган қўшма мажлисида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлар ўртасида ижтимоий шерикликни кенгайтиришга оид устувор вазифаларни белгилаб берган эди. "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида", шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунлар айнан ушбу мақсадларга хизмат қилади. Бугун ушбу қонунлар лойиҳалари жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши раисининг ўринбосари С.Сангинов ва бошқалар мазкур қонунлар лойиҳалари ҳақида батафсил ахборот берди.

Ижтимоий шериклик жамият асосий қатламларининг муҳим ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувозанатли амалга оширишни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида йўналиши экани таъкидланди. Аҳолининг турли қатламлари манфаатларини мувофиқлаштириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодий ҳамда сиёсий вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бу борадаги муҳим вазифалар ҳисобланади. Шуни эътиборга олган ҳолда, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳасида фуқаролик жамияти, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари каби ижтимоий шериклик субъектлари қамраб олинган.

"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ҳужжатларини амалга оширишини жамият, фуқаролик институтлари томонидан назорат қилишнинг самарали ҳуқуқий механизмига айланиши даркор. Унда ижтимоий шерикликнинг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, шунингдек, бу борада амалдаги қонунчилик ижросини таъминламаган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик шартлари аниқ белгиланади.

"Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам мамлакатимизда кенг муҳокама этилаётган ҳужжатлардан биридир. Мазкур қонун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимида, экология соҳасида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, авваламбор, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларини бажариш юзасидан фаолиятини янада фаоллаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва ўрнини, шунингдек, уларнинг мамлакатимиз ҳудудларида атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш соҳасида мониторингни амалга оширишда иштирок этишини белгилаб бериши лозим.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ижтимоий шерикликни ривожлантириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб беради, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлишини таъминлайди.

Давра суҳбатида муҳокама этилган масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

ФАРМОН ВА ИЖРО

## Ижтимоий муҳофаза ва масъулият

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазкур соҳа вакилларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш кафолатларини янада кучайтирди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини яхшилашнинг долзарб масалалари» мавзуида ташкил этилган илмий-амалий конференция мазкур фармон ижросини изчил таъминлашга доир масалаларга бағишланди. Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда депутатлар, судьялар, олимлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ва Адлия вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилаётгани самарасида мамлакатимизда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда суд органларининг давлат бошқарувидаги ролини янада ошириш, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган фармони шу мақсадда қабул қилинган бўлиб, ҳужжатга кўра судьялар ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазаси борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, 2012 йил 1 августдан бошлаб Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари қайта кўриб чиқилди. Мазкур судлар судьялари ҳамда мансаб даражасига эга ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори қайтадан тасдиқланди.

Президентимиз фармонида белгиланган яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинди.

—Президентимиз томонидан белгилаб берилган бундай имкониятлар соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир, - дейди Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани суди раиси Ёқутхон Ҳайдарова. — Бундай ғамхўрлик судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти учун зарур шароит яратиши билан бирга зиммамизга жуда юксак масъулият юклайди. Буни амалда таъминлаш борасида барча билим ва салоҳиятимиз, куч ва имкониятларимизни сарфлаб, фидойилик билан хизмат қилишимиз даркор.

Конференцияда фармон ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан бирга судьяларнинг ижтимоий таъминотига оид ислоҳотлар ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтиришнинг муҳим жиҳатлари, судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминотини янада такомиллаштириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

БОЛАЛАР СПОРТИ

## Мақсад — соғлом авлодни тарбиялаш

***Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак самаралар бермоқда.***

Бунда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг спортга қизиқишини янада ошириш, болалар ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаш, спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2002 йилнинг 24 октябрида ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муҳим ўрин тутаётир.

Оролбўйида кейинги йилларда кўплаб замонавий болалар спорти иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. 2011 йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг манзилли дастури асосида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 15 объектда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу ишларга жамғарма томонидан 6 миллиард 32 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу иншоотлар 163 миллион 750 минг сўмликдан ортиқ спорт анжомлари билан таъминлангани ёш спортчиларга кенг имкониятлар очди.

Асосий эътибор қишлоқ ёшларининг спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлашга қаратилаётгани, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг бадиий гимнастика, стол тенниси ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиши учун яратилаётган шарт-шароитлар ўз самарасини бермоқда.

Қанликўл туманида бир вақтнинг ўзида 400 дан ортиқ ўғил-қиз спортнинг 10 дан ортиқ тури билан шуғулланиш имконига эга бўлган болалар спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилиши ёш спортчиларга бир олам қувонч бағишлади. Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган янги қишлоқларда, Қўнғирот туманидаги "Гулистон", Кегейли туманидаги "Қизил уй", Элликқалъа туманидаги "Ақчакўл", Хўжайли туманидаги "Саманкўл", Нукус туманидаги "Узункўл" овулларида замонавий болалар спорт майдончалари қурилиб битказилишида ҳам жамғарманинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган турли мусобақалар умидли ёш спортчиларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда. Қанликўл туманида спортнинг футбол, волейбол ва баскетбол турлари бўйича ҳудудий мусобақа ўтказилди. Унда мезбонлар билан бирга Мўйноқ, Шуманай туманлари жамоалари ўзаро куч синашди.

Кескин курашларга бой бўлган ушбу мусобақада футбол бўйича Мўйноқ тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Волейбол бўйича ўғил болалар ўртасида Қўнғирот тумани, қизлар баҳсида Мўйноқ тумани жамоалари ғолиб бўлди.

Болалар спортига берилаётган бундай эътибор ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

# МАЪНАВИЯТ

МУЛОҲАЗА

## Сарполарга тўлиб тошган сандиқлар

***Ўзбек халқи азалдан миллий урф-одатларга, анъана ва маросимларга бойлиги, меҳмондўстлиги, сахийлиги билан ажралиб туради. Айни куз палласи гўзал диёримизда пишиқчилик, мўл-кўл ҳосил хирмони уюлган пайт бўлгани боис тўй-томошалар, яхши кунлар авжида. Орзу ҳавасманд халқимиз мана шундай фаровон кунларда тўй-томошалар қилишяпти. Тўғри-да, тинч, осуда, ўзига тўқ юртга тўйлар ярашади, хурсандчилик татийди. Тўй-томошалар кўпайгани халқ ҳаётининг фаровонлигидан, оилаларнинг бекаму-кўстлигидан, инсонларнинг эзгу ниятли, орзумандлигидан дарак.***

Аммо бир яхшининг бир ёмони бўлгани каби тўйларнинг кўплиги яхшиликка бўлса, айрим ҳолларда ундаги сарф-харажатларнинг ҳам ҳаддан зиёд ортиб бораётгани оғриқли нуқтамиздан биридир. Бу тўғрида кўп гапириляпти, маҳаллаларда, йиғин, учрашувларда тез-тез муҳокама қилиняпти, кўрсатув, эшиттиришлар тайёрланиб, фильмлар ишланяпти. Аммо баъзи кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, фикру дунёқарашлари аксинча бўлиб қолаётгани бу мавзуга қайта-қайта мурожаат қилишга сабаб бўлаяпти.

Автобусда кетаётиб орқа ўриндиқда ўтирган икки аёлнинг суҳбати эътиборимни тортди: "... Ҳе-е опа, ҳали униси, ҳали буниси, ҳеч камимиз битмай ётибди. Бўлажак қудам қизимнинг сарполарини кам кўриб, гапирибди. Шунча кийим-кечакни қачон кийиб улгуради? Ҳозир ҳар куни битта янги мато, янгича урфлар чиқаётган бўлса! Ўлчамлари ҳам тўғри келмай қолиши мумкин, шунча нарса сандиқни тўлдириб ётадими?!

— Во-о-й, Мастурахон, ҳозир ҳамма шунақа қиляпти. Уйга кийишга фалонта, кўча-кўйга фалонта, чалларларга фалонтадан бош-оёқ сарпо қиласизда! Бир жойга кийганини иккинчи жойгаям кийиб бормайди-ку!

— Чўнтагимиз кўтарганича қилдик. Ўзимизни мебеллар бўлмасмиш, чет элникидан қиласиз, дейди. Яна уй-рўзғорга керак бўладиган ҳамма нарсани оберарканмиз.

— Ҳа, олиб берасиз. Мана биз ҳам қизимизни узатганда музлаткич, чангюткич, кир машина, дазмол, дазмол столи, гўшт қиймалагичу бонка ёпқичларгача олиб берганмиз. Рўзғорини бутлаб берасиз-да, қизим бахтли бўлсин десангиз. Қарз бўлса, тўлаб қутуласиз, обрў кетмасин, Мастурахон..."

Мен автобусдан тушиб кетдим, аёлларнинг шу тахлитдаги ўзаро суҳбатлари эса ҳамон авжида давом этаётган эди. Бундай гапларни эшитиб, ўйланиб қоласан киши. Наҳотки, қизларнинг бахти сандиқ тўла сарпо-суруқ, мебелу йиғилган нарсалар билан белгиланса! Бунёдга келаётган янги оиланинг мустаҳкамлиги уй-рўзғор буюмларининг кўплиги билан таъминланадими, оила тўкислиги моддият, маиший буюмлар билан ўлчанадими?

Давр тараққиёти, оила тўкислиги, тўкин-сочинлик, тўқчиликдан, мамлакат ривожидан дарак. Аммо баъзиларнинг ким ўзарга тўй қилиб, топган-тутганини кўз-кўз қилиш пайидаги хатти-ҳаракатлари нафс балосининг урчиётгани, инсонлар моддият қулига айланиб бораётганини англатмайдими?

Баъзи бировлар "Қиз болага олти ёшдан йиғсанг, ортади, етти ёшдан йиғсанг, етади, саккиз ёшдан йиғсанг, сарғаясан", деган ақидани ўзларига шиор қилиб олишган ва шунга амал қилган ҳолда ҳаракат қилишади. Яъни қиз бола дунёга келдими, янги сандиқ очилиб, уни тўлдириш ҳаракати ҳам бошланади. Бу борадаги фикрларга юзлансак.

***Ҳанифа ЗОКИРОВА, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси "Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари" бўлими бошлиғи:***

— Қизларга кичкиналигидан эзгу ният қилиб сарпо йиғиш бир жиҳати билан яхшики, халқимизнинг орзу-умидли, ҳавасманд, нияти поклигидан, болажонлигию фарзандларга меҳрибонлигидан далолат беради. Яна бир жиҳати эса инсонларнинг нарсапараст, маиший буюмлар билан ўралашиб, ақл кўзи хиралашиб қолиши эҳтимолидан йироқмаслини кўрсатади. Энг яхшиси, ҳамма нарса ўз меъёрида бўлгани маъқул. Фарзандининг келажаги порлоқ бўлиши учун аввало уни илмли, касб-корли, ҳунарли қилишга интилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамиятимизда олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда тўй-ҳашамлар тобора ихчамлашиб боряпти. Аммо баъзиларнинг ўзини кўз-кўз қилиш асносидаги хатти-ҳаракатлари ҳалиям қилиниши лозим бўлган ишларимиз талайгина эканлигидан далолат беради. ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам ортиқча сарф-харажатларга, исрофгарчиликка, дабдабозликка йўл қўймаслик, унга қарши курашиш вазифаси белгилаб қўйилган. Партиямизнинг ушбу мақсад-вазифасидан келиб чиққан ҳолда жойларда тушунтириш ишлари олиб борилиб, тадбирлар ташкил қилиняпти. Жумладан, "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" деб номланган лойиҳа доирасида тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, уларни камхарж қилиб ўтказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилингани эса бу борадаги амалий ишларимиз кўламини янада кенгайтиришни тақозо этди.

**Жамиятимизда олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда тўй-ҳашамлар тобора ихчамлашиб боряпти. Аммо баъзиларнинг ўзини кўз-кўз қилиш асносидаги хатти-ҳаракатлари ҳалиям қилиниши лозим бўлган ишларимиз талайгина эканлигидан далолат беради. ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам ортиқча сарф-харажатларга, исрофгарчиликка, дабдабозликка йўл қўймаслик, унга қарши курашиш вазифаси белгилаб қўйилган. Партиямизнинг ушбу мақсад-вазифасидан келиб чиққан ҳолда жойларда тушунтириш ишлари олиб борилиб, тадбирлар ташкил қилиняпти.**

***Раҳима ЭРГАШОВА, Олмазор туманидаги "Чуқурсой" М.Ф.Й. раиси:***

—Дабдабали тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш борасида маҳаллаларда, ташкилотларда қатор ишлар олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларимизнинг ҳуқуқий асоси сифатида Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака маросимлари, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонини айтишимиз мумкин. Ушбу фармон ижроси юзасидан бутун мамлакат миқёсида тарғибот-ташвиқот ишларининг кўлами кенгайди. Натижада тўй-маъракаларимиз анча тартибга солинди. Қудалар ўзаро келишиб, ихчамликка, камхаржликка интилиб иш тутишяпти. Аммо баъзи бир маънавияти бўш, манманликка берилган кимсалар тушунтиришларга қарамай, ўз билганича иш тутишяпти. "Биттаю битта фарзандим ёки қизим, бир камсиз қилишим шарт", дейдиганлар ҳам бор.

Тўй сарф-харажатларини камайтиришга эришяпмизу иккинчи томондан "қистир-қистир", пул сочишлар урфга кираяпти. Тизилишиб хонандаю раққосаларга пул қистириб, даврага пул сочгандан кўра ўшани меъёрида келин-куёвга беришса, ёш оилага, тўй эгаларига кўмак бўларди.

***Дилсўз ЗОИРОВА, ўқитувчи, 25 ёшда:***

— Турмушга чиқиш арафасида турган дугоналаримдан баъзиларининг "Сепимга уни олдим, буни олдим, яна фалон-фалон нарсаларни олишим керак ", деган гапларини эшитиб ҳайрон қоламан. Ўзларига рўйхат тузиб олишган. Уларнинг тасаввурида катта ҳаёт йўли, келинлик бахти, янги оила фақат сарпо-суруқ, маиший буюмлардан иборатдек гўё. Ўзим турмуш қурганимга уч йил бўлди. Сеп йиғишга қизиқмадим. Аксинча, билим олишга, ҳаётда ўз ўрнимни топишга интилдим. Олий ўқув юртининг магистратура босқичини битирдим. Ота-онам қурби етганича, бировдан кам ҳам, кўп ҳам эмас - меъёрида сарф-харажат қилиб узатишди. Турмуш ўртоғим биргаликда ўз касбимиз билан ҳалол меҳнат қилиб рўзғор тутдик. Оллоҳга шукр, ёш оила бўлишимизга қарамай, рўзғоримиз бут, камини эса ҳамжиҳатликда тўлдиришга ҳаракат қиляпмиз. Оиланинг мустаҳкамлигида энг муҳими маиший нарсалар эмас, бир-бирини тушуниш, эъзозлаш, сабр-қаноатли бўлиш деб ўйлайман. Бу хислатлар эса албатта, маънавияти бутунликдан юзага келади. Ёш қизларимизга сарпо-суруққа ўчликдан кўра сандиқнинг бир четида маънавиятни юксалтирадиган китобларга ҳам жой ажратишни маслаҳат берардим. Зеро, келинлик, оналик бахти, келажак авлодни тарбиялаш масъулияти биринчи ўринда маънавиятлиликни талаб этади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тўқликка шўхлик — ношукрлик аломати. Исрофгарчиликка йўл қўйиб дабдабали тўй қилгандан, қўша-қўша мебелу сарпо-суруққа пул сарфлагандан кўра ота-оналар фарзандининг келажагига эътибор қаратса! Тадбиркорлик ва кичик бизнесга кенг йўл очиб берилган бир пайтда ишчи ўринларини яратиб, жамият фаровонлиги ва аҳоли турмуш тарзини яхшилашдек эзгу ишларга қўл урса, одамларга, жамиятга наф етарди.

**М.КОМИЛОВА**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ





(ЎзА) олган суратлар.

## Ёш оилаларга — замонавий турар-жойлар

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИДА ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН 30 ТА ЯНГИ КЎП ҚАВАТЛИ УЙ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

***Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида мазкур йўналишда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Фарғона вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Шу кунларда Фарғона шаҳридаги Хўжанд кўчасида барпо этилаётган 30 та кўп қаватли уйда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Марғилон ва Фарғона шаҳарларидаги эски ётоқхона биноларини реконструкция қилиш бўйича ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бу ишлар натижасида яна кўплаб ёш оилалар замонавий турар-жойларга эга бўлади. Эътиборли жиҳати, мазкур квартиралар умумий қийматининг 75 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдордаги ипотека кредитлари эҳтиёжманд ёш оилаларга ҳудудий комиссияларнинг тавсиялари асосида уй-жой қийматининг камида 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал ариза берувчилар томонидан махсус ҳисоб-рақамига ўтказилгандан кейин 15 йил муддатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан кўп бўлмаган фоиз ставкаси бўйича уч йиллик имтиёзли давр билан берилади.

—Ўтган йили филиалимиз томонидан 51 нафар ёш оилага 2 миллиард 259 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилган бўлса, жорий йилда бу ишларнинг салмоғи янада ортмоқда, - дейди "Ипотека банк" вилоят филиали бошқарувчиси Акмал Мўминов. — Фарғона шаҳрида олтита кўп қаватли уй-жойларни қуриш учун маблағ ажратганмиз. Бу билан 104 оила замонавий уй-жойга эга бўлади.

Вилоятда ёш оилалар учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель, мураккаб маиший техника ва ошхона жиҳозларини харид қилиш бўйича ҳам дастур ишлаб чиқилиб, унга асосан жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан 1062 ёш оилага имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мухтасар айтганда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида Фарғона вилоятида оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг уй-жой масалаларини ҳал қилишга қаратилган ижтимоий дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Бу оила институтини янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

МОЗИЙДАН САДО

***Юртимиз қадимий қадамжолар ва нурли манзилларга бойлиги билан дунёнинг бошқа давлатларидан ажралиб туради, десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда бу масканларни асраб-авайлаш ва таъмирлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ана шундай қадамжолардан бири Сурхон дарёси бошланишида, Қоратоғ ҳамда Тўполон дарёлари бирлашадиган ўзандан бир мунча пастроқда қад кўтариб турган қадимий Оқ Остона бобо мақбарасидир. Боботоғ тизма тоғлари тоғ олди ҳудудида, аҳоли пункутларидан четкада жойлашган мақбара анча вақтгача, яъни Сурхондарё вилояти маданий обидалари бўйича тарихий-археологик изланишлар бошлангунга қадар тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборидан четда қолиб кетди. Бугунги кунда Оқ Остона бобо мақбараси тадқиқотчи мутахассислар томонидан ўрганилди. Ана шу ўрганилган тадқиқот натижалари асосида мақола тайёрладик.***

## Тарихий обида

### ЎЗИГА ХОС МЕЪМОРИЙ ЕЧИМГА ЭГА

Оқ Остона бобо мақбараси бир хонали иншоот бўлиб, лойиҳа бўйича тўртбурчак, том қисми билинар-билинмас найзадор гумбаз билан ёпилган. Дафн бўлмасининг марказига йирик сағана қўйилган. Мақбара интерьери ихчам: ўқ бўйича тўртта равоқдор тахмон, ўн икки қиррали, чорактали қилиб кесилган ва куйдирилган ғиштдан шахмат тартибида тикланган устунлардан қурилган. Деворлари куйдирилган ғишт ва лой қоришмаси билан урилган, томлар конструкциясидан иборат. Том қисмини тиклашда ганчдан фойдаланилган. Йирик форматли ғиштлар эса изора қисмининг қурилишида ишлатилган. Ёдгорликнинг қисман бузилиши ва ташқи кўринишининг маълум даражада ўзгариши унинг таъмирланишига сабаб бўлган.

Мақбаранинг шимолий ва шарқий фасадлари қўшимча деворли ғилоф, бурчаклари эса тиргаклар билан мустаҳкамланган. Ўтган юз йилликнинг бошларида бўлган ер қимирлашида бузилиб кетган шимоли-ғарбий бурчак билан гумбаз қайтадан қурилган. Йиллар ёдгорликнинг баъзи меъморий-бадиий сифатларига ўз таъсирини ўтказган бўлса ҳам, меъморий-қадимшунослик тадқиқотлари Оқ Остона бобо ёдгорлигининг дастлабки шакл ва тузилишини тиклаш ва унинг қурилган вақтини аниқлаш имконини беради. Оқ Остона бобо — кубовий ҳамда шарсимон шаклларни уйғунлаштирган бир хонали, пештоқсиз иншоот. Ушбу сифатлар, айниқса, бир хоналилиги ривожланган ўрта асрлар меъморчилигининг дастлабки, даврига хос. Масалан, X-XI асрларга оид Миротам Соҳиб (Имом Соҳиб қишлоғи) ва Сариулдаги ибн Яхё (Афғонистон), Карманадаги Мирсаид Баҳром, Серахс яқинидаги Ёрти Гумбаз, Тимдаги Аработа ва бошқа мақбаралар шу тахлитда қурилган. Санаб ўтилган қиёсларнинг ҳаммаси Оқ Остона бободан фарқли ўлароқ, аниқ ишланган ва бўлакланган бош фасаднинг архитектоникасига эга. Бинобарин, иншоотнинг дастлабки қиёфаси ҳақида қисман тасаввурга эгалигимизга қарамай, амалга оширилган қадимшунослик тадқиқотларига асосланиб айтиш мумкинки, Оқ Остона бобо аввало Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳамда X асрнинг охири — XI аср бошларида бунёд бўлган Султон Саодат мажмуасидаги мақбараларга ўхшаб кетади.

Оқ Остона бобонинг декоратив безалиши жуда содда ва ихчам. Унинг хилватда жойлашганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ерда X-XI асрларга хос меъморчиликнинг "ғишт услуби" ва унинг ўзига хос хусусияти намоён бўлган. Зеро, бу вақтда ғишт нафақат бинонинг конструктив элементларини тиклашда биринчи ўринда турган, балки асосий безак материали ҳам бўлган. Ёдгорлик ташқи томондан ҳам худди интерьердаги каби қўш ғишт билан қопланган, лекин XI аср иншоотларига хос бўлган тик чоклар декоратив жиҳатдан тўлдирилмаган. Бурчакларда қаватдор декоратив устунларнинг киритилиши халқ меъморчилиги анъаналарини эслатади. Шундай қилиб, Оқ Остона бобо мақбарасининг композиция-ли-конструктив қурилиши ва бадиий-декоратив қиёфасида X аср охирларидаги Ўрта Осиё меъморчилигининг услуб ва элементлари яққол кўзга ташланади.

Сурхондарё воҳасидаги бу ёдгорлик қандай барпо бўлган, деган савол пайдо бўлади. Бунинг учун Сурхон дарёсининг юқори ва ўрта оқимларини эгаллаган Чағаниён вилоятининг сиёсий ва маданий ҳаёти тарихига мурожаат қилиш лозим бўлади. Чағаниён ўрта асрлар даврида, "чағон худот"лар томонидан бошқарилган вақтда ҳарбий-сиёсий мустақилликка эришганди. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида яриммустақил ҳокимлик билан чекланди. Қулай жуғрофий вазият, яхши мўътадил табиий шароит вилоятда хўжалик ҳаётининг мустақил ривожланишига яхши имконият бериши билан бирга, айрим ҳолатларда марказий ҳокимиятдан сиёсий мустақилликни талаб қилиш имконини ҳам берарди. Вилоятдаги қадимшунослик ва меъморчилик ёдгорликларининг таснифи Чағаниён ҳар доим тоғолди зонасидаги туманлар билан мустаҳкам алоқада бўлганлигидан далолат беради.

Қадимшунослик материалларида, айниқса, ўрта асрлар даври Чағаниён қишлоқларида ҳунармандчилик ва ишлаб чиқариш ишлари йўлга қўйилган. Кўплаб археологик шаҳристонларнинг сақланиб қолингани, улар орасидаги энг йириги Бедарч, мутахассисларининг таъкидлашича вилоятнинг ўрта асрлардаги пойтахтига тенглаштирилган. Араб тарихчиларининг далолат беришларича, ҳудуди бўйича Термиздан катта бўлган Чағаниён вилояти Оқ Остона бобо мақбарасидан бошқа бундай маҳобатли меъморчилик намунасига эга бўлмаган. Мақбара фақат хотира иншооти, у маълум бир тарихий шахс дафн этилган жой эмас. Айни вақтда Оқ Остона бобо мақбараси Сурхондарёнинг файзли, сўлим гўшаларидан бирига айланган.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

INFOLIB-2012

## Фойдаланувчи сари бир қадам

***Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада иш бошлаган "Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги" доирасида қатор тадбирлар ўтказилди.***

Очиқ эшиклар кунида турли хил танлов, кўргазма, янги адабиёт ва китоблар ярмаркаси ташкил этилди. "Фойдаланувчи сари бир қадам" мавзусидаги илмий-амалий конференция Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар вакилларининг долзарб мавзудаги маърузалари билан бошланди. Уч йўналишдаги шўъбаларда 30 дан ортиқ маъруза, илмий-амалий ва методик чиқишлар тақдим этилди.

"Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил март ойидаги фармонини амалиётга жорий этишнинг ҳолати, тўпланган тажрибалар, илмий-амалий, услубий таҳлиллар асосида ахборот-ресурс марказлари фаолияти самарадорлиги, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган маъруза ва бошқа чиқишларда атрофлича фикр алмашилди. Кутубхона бўйлаб мавзули экскурсиялар бўйича ҳам ахборот берилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# ЖАРАЁН

● БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

## Нафосат мактаби

*Мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спортни кенг тарғиб қилиш, ривожлантириш, айниқса, ўсмирларни бадиий гимнастикага кўпроқ жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, спорт -саломатлик гаровидир. Бадиий гимнастиканинг эса вояга етаётган қизлар учун ҳам маънан, ҳам жисмонан фойдаси катта.*

Гулистон шаҳридаги марказий спорт ўйингоҳида вилоят бадиий гимнастика мактабининг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган муддат давомида ушбу мактаб ёшлар билан гавжум бўлиб, уларга спортнинг шу турига қизиққан кўплаб ёшлар жалб этилган. Бадиий гимнастика тўгараги машғулотларига тажрибали мутахассис Няра Жемилова мураббий этиб тайинланди. Мураббий қисқа фурсат ичида юзлаб иқтидорли шогирдларни тайёрлади. Ёш бадиий гимнастикачи қизлар шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритмоқдалар.

— Бадиий гимнастика спортнинг гўзал ва нафис турларидан саналади, - дейди биз билан суҳбатда Няра Жемилова. — У қизларнинг қадди-қоматига расолик бағишлайди, танасини чиниқтиради, соғлом, тик қоматли ва чиройли юришларига ёрдам беради. Олиб борилаётган машғулотларимдан, қизларнинг хатти-ҳаракатларидан ўзим ҳам завқ оламан, чарчоқни унутаман. Кўплаб оналар қизларини спортнинг ушбу тури билан шуғулланишини истаб, машғулотларимизга етаклаб келишмоқда. Ахир қайси она ўз фарзандининг соғлом, гўзал, сарвқомат бўлишини истамайди, дейсиз. Шароит ва имкониятларимиз тобора яхшиланиб бормоқда. Бу борада бизга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими яқиндан кўмак бермоқда. Яқинда жамғарма томонидан янгидан-янги гимнастика ва спорт жиҳозлари берилди. Биз улардан унумли фойдаланиб, машғулотлар самарадорлигини оширамиз.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида бадиий гимнастика бўйича таянч мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари ташкил этилиб, уларда махсус хоналар тайёрланиб, зарур спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланди.

Мирзаобод туманидаги 3-"Юлдузча" мактабгача тарбия муассасасида бўлганимизда бу ерда бадиий гимнастикани ўз келажаги деб билган 50 нафар қизалоқ нафосат машқлари билан шуғулланаётганлигига гувоҳ бўлдик. Нафис хатти-ҳаракатлару, бир-биридан бетакрор жозибали рақсларни кузатар эканмиз, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий мевасини бераётганлигига яна бир бора юксак ишонч ҳосил қилдик.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● ҚАРОР ВА ИЖРО





## Тиббий хизмат сифати ошмоқда

*Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 21 майда қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.*

*Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилоят филиалининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши самарасида бу ерда тез тиббий хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошди. Филиал замонавий тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва махсус жиҳозланган тиббий транспорт воситалари билан таъминланган. 350 ўринга мўлжалланган тиббий муассасада беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ташхис қўйиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари юқори малакали шифокорлар томонидан амалга оширилмоқда.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

● ФОРУМ

*Тадбирда жорий йилда қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилалар фарзандларини жалб этиш бўйича бир неча лойиҳалар амалга оширилгани таъкидланди. Жумладан, "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси билан ҳамкорликда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг "Қуёшли" болалар соғломлаштириш оромгоҳи негизида ташкил этилган дам олиш масканида имконияти чекланган болалар ҳамда "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари имтиёзли соғломлаштирилди.*

## Ҳамкорлик самараси

**Темирйўлчилар маданият саройида Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчилари II форуми бўлиб ўтди**

Шу мақсадга йўналтирилган лойиҳалар доирасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ҳудудлардаги кам таъминланган оилаларнинг 878 нафар фарзанди соғломлаштирилди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари келишуви асосида "Тарбия ва спорт" оромгоҳларида вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимлари рўйхатида турувчи болаларни соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилди.

Ижтимоий шериклик самараси ўлароқ, яъни корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномалари орқали бошланғич касаба уюшма қўмиталари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида жорий йилда кам таъминланган оилаларнинг 50 минг нафар фарзандлари болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди. Янгича ёндошув асосида ташкиллаштирилган бу саъй-ҳаракатлар натижасида ишчи-хизматчилар ҳамда кам даромадли оилаларнинг минглаб болалари оромгоҳларда бепул дам олишди.

Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказилаётган "Касаба уюшмалари – болаларга" акцияси, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Меҳрибонлик" уйлари ва мактаб-интернати тарбияланувчиларидан 2355 нафари имтиёзли соғломлаштирилди. Оролбўйи минтақасидан бўлган 5800 нафар ўғил-қиз Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкентдаги 14 та энг сўлим ва баҳаво болалар оромгоҳларида дам олишди. Барча дам олиш масканларида ички ишлар, тиббиёт, коммунал-маиший соҳалар ходимларининг доимий навбатчилиги ташкил этилди.

Ўтказилган форумдан кўзланган мақсад — болаларни соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур тадбирда Республика бўйича энг яхши деб топилган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, намунали ишчи-ходимлар, оромгоҳлар фаолиятини намунали ташкил этишда катта ёрдам кўрсатган вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар ва ҳамкорлар мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан тақдирланди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги "Лочин", Андижондаги "Шифокор", Бухоро вилоятидаги "Нефтчи", Жиззахдаги Амир Темур номли, Қашқадарё вилоятидаги "Лочин", Навоий вилоятидаги "Офтобжон", Хоразм вилоятидаги "Автомобилчи", Тошкент шаҳридаги "Қуёшли" ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКга қарашли "Қибрай" ва бошқа бир неча болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мамлакатимиз миқёсида "энг намунали болалар оромгоҳи" номига сазовор бўлди.

Шунингдек, "Энг намунали болалар оромгоҳи", "Энг яхши оромгоҳ бошлиғи", "Энг ғамхўр тарбиячи", "Энг яхши тиббиёт ходими", "Энг фаол етакчи", "Энг моҳир тўгарак раҳбари", "Энг чаққон спорт мураббийси", "Энг яхши пазанда" каби 14 та номинация ғолиблари ҳам мукофотланди.

**Фармонбек МАТНАЗАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

● ТАРАДДУД

## Қиш мавсуми

**УНГА ТАЙЁРМИЗМИ?**

*Республика Президентининг 2012 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2012/2013 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 июндаги назорат режаси талаблари ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятидаги иқтисодиёт тармоқлари, ўқув, таълим ва тиббиёт муассасалари, шунингдек, кўп қаватли аҳоли турар жойларида қиш ойларида иситиш тизимларининг барқарор ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*

Профилактик ишларни ўз вақтида олиб бориш, иссиқ сув узатувчи қозонхоналарнинг мавсумга тайёргарлиги, сув узатиш қувурларининг ҳимояланганлиги, табиий газ таъминоти, автоном энергия ресурслари, мазут ва кўмир захирасини тайёрлаш асосий вазифадир. Бу борада жойларда хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бинолар атрофида ёнғинга қарши меъёрий талабларга риоя этилиши, рўй бериши мумкин бўлган ёнғинларни бартараф этишда зарур бўладиган ёнғинга қарши сув таъминоти, ер ости сув олгичларининг шайлигини таъминлашда Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилган. Шундан келиб чиқиб, соҳа ходимлари айни дамда аҳоли турар-жойлари, корхона-ташкилотлар ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида тушунтириш-тарғибот, профилактик назорат ишларини олиб бормоқдалар.

Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидаги марказий иссиқлик манбаи ҳамда уй-жой мулкдорлар ширкатлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ўрганиб чиқилди. Масалан, тасдиқланган режа асосида 2012 йил 20 июндан 12 июлга қадар ёнғиндан муҳофаза қилувчи 1-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми хизмати ходимлари томонидан Самарқанд шаҳри ҳудудидаги «Катта арик» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли 54-уйда текширув ишлари олиб бориш жараёнида бино йўлаклари таъмирлангани, электр чироқлари ўрнатилиб, хавфсизлик масаласига ҳам эътибор қаратилгани аниқланди. Кўп қаватли уйининг эшиклари темирдан ишланиб, ертўла ва чордоқлари хавфсизлик нуқтаи назардан ҳимояланган.

Аммо таҳлиллар кўп қаватли уйларда юз бераётган ёнғинларнинг 12 фоизи электр симларидаги қисқа туташув натижасида келиб чиқаётганини кўрсатмоқда. Кўп қаватли уйларнинг йўлагида жойлашиши зарур бўлган электр симларини қисқа туташувдан сақловчи электр ҳисоблагич ва автомат сақлагичларни хонадон эгалари ўзбошимчалик билан хонадон ичкарисига киритиб олишган. Натижада ичкарида ёнғин рўй бергудек бўлса, уни ташқаридан туриб электр тармоғидан узиб қўйишнинг имкони бўлмаяпти. Ушбу ҳолатни шаҳарнинг Сартепа масканидаги «Шерзод Обод Нур» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 28А кўп қаватли уйининг хонадонларида кузатиш мумкин.

Бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши қанчалик жиддий кураш олиб борилмасин, кўп қаватли уйларда қурилиш меъёрий қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Мисол учун, Каттақўрғон шаҳридаги «Муён кул сифат» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли 33, 58 ҳамда 60-уйларнинг аксарият хонадонларида қурилиш қоидаларини қўпол равишда бузиш, газ ускуналарини уйнинг балкон қисмига чиқариб олиш, ундан ташқари иссиқлик манбаи ўз вақтида ва етарлича етказиб берилмаслиги натижасида фуқаролар уй ичида қўлбола иситиш қозони ҳамда газ иситиш ускунаси ўрнатиб олганлик ҳолатлари кузатилди.

Қиш эшик қоқиб турган бир пайтда бу каби ёнғин келтириб чиқарувчи турли хил қўлбола асбоб-ускуна ҳамда бошқа омилларни бартараф этиш хусусида маҳалла фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари ва фаоллари, шу жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, «Иссиқлик манбаи» корхонаси вакиллари, қолаверса, хонадонларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг ўзлари ҳам жиддийроқ ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Огоҳлик - давр талаби экан, демак, ўз уйимизни, ўз мулкимизни биринчи галда ўзимиз асрашимиз зарур.

**Қобилжон ЭРГАШЕВ,**
**Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғи,**
**полковник**

● ҲУНАРМАНДЧИЛИК

## Тунукага замонавий шакл ва безаклар берилмоқда

*Мустақиллик тадбиркор ва ишбилармонларимизга ҳақиқатдан ҳам кенг имкониятлар очиб берди. Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунлар мамлакатимизда муҳим дастуриламал бўлаётир, десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча имтиёзлар берилмоқда.*

Бу эса уларнинг ривожланишида асқотаётир. Анча йиллардан бери якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган Самарқандлик Хушвақт Зайниев ва Шоҳмуҳаммад Ибрагимовлар ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар. Улар икки ёрти бир бўлиб "Азия метал проф" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этишди. 2009 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур жамоа тунука материалларига махсус шакл бериш билан шуғулланмоқда. Бунинг учун Хитойда ишлаб чиқарилган тўртта ускуна олиб келиб ўрнатилди. Натижада тунукага тўрт хилда шакл бериш, турли шаклдаги томёпқичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари тунукадан иморатлар учун тарнов ва трубалар, қор-ёмғир ушлагичлар, иморатда ишлатиладиган зарур анжомлар тайёрланмоқда.

— Ҳар бир инсон бирор ишни бошлашдан олдин, унинг қонуний асосларини яхшилаб ўрганмоғи, бу борадаги бурч ва вазифалари, ўзига берилган имкониятлардан хабардор бўлмоғи лозим. Шундагина улар бошлаган ишида яхши натижаларни қўлга киритиб, олдига қўйган мақсадларига эришадилар, - дейди тадбиркор Шоҳмуҳаммад Ибрагимов.

Халқ ҳунармандчилигининг у ёки бу тури билан шуғулланиб, уни замонавийлик билан уйғун тарзда ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимиз сони кўпайиб бормоқда. Тунукачилик ҳам қадимдан халқ ҳунармандчилиги сифатида эъзозланиб келинади. Бу ерда ишлаётган Дамир Баҳроновнинг отаси Равшан бобо ҳам тунукачилик билан шуғулланиб келган. — Мен отамерос касбимни давом эттираётганимдан миннадорман, - дейди Дамир. — Отабоболаримиздан қолган бой меросни келгуси авлодларга замонавий услубларда етказиш, ўз бизнесимизни йўлга қўйиб, оилавий даромадимизни оширишимиз бизни янаям изланишга ундайди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● "ЯНГИ АВЛОД — 2012"

## Ёш истеъдодлар кўриги

*Мамлакатимизда ёш истеъдодларнинг изланиш ва интилишларини қўллаб-қувватлашда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Янги авлод» анъанавий болалар ижодиёти фестивали муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Фестивалнинг Жиззах вилояти шаҳар ва туман босқичларида бу йил уч минг нафардан зиёд 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар иштирок этди. Уларнинг 500 нафардан ортиғи Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театрида бўлиб ўтган вилоят босқичида беллашди.

Мазкур босқичда қатнашчилар олти йўналиш бўйича ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди. Ёшларнинг жаҳон ва миллий мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этган куй-қўшиқлари, бадиий тасвир, амалий санъат асарларида акс этган она Ватан манзаралари, турли образлар мутахассислар ва мухлисларда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу анъанавий фестиваль ёшларимиз учун катта имкониятлар очмоқда, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси мусиқа ва санъат таълими муассасалари бўлими бошлиғи Гулзода Бекбўтаева. — Болалар санъат мактаблари, ижодиёт марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга берилаётган юксак эътибор ёш истеъдодларнинг камол топишига хизмат қилаётир. Ушбу фестиваль иштирокчиларининг йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам ана шу ғамхўрлик натижасидир.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида вилоятда бешта мусиқа ва санъат мактаби янги бинога эга бўлди. Нафақат махсус санъат таълими муассасалари, балки барча умумтаълим мактабларида, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказларида ҳам ёшларга санъат турлари билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилгани ҳам ўз самарасини бераётир.

Фестиваль ғолиблари унинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбир**


Эълон

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2012 йил 6 декабрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 9-уйда жойлашган «Асака» ДАТБ ОАЖ Шайхонтоҳур филиали балансидаги 2000 й. и/ч, д/р 01/282ОВА, бошланғич нархи 10 500 000 сўм бўлган «Нексия», 1998 й. и/ч, д/р 01/320ОВА, бошланғич нархи 8 500 000 сўм бўлган «Дамас» русумли; Тошкент ш., Юнусобод тумани, Мустақиллик майдони, 5/3-уйда жойлашган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази балансидаги 2001 й. и/ч, д/р 10АК685, бошланғич нархи 8 103 406 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари ва Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 27-уйда жойлашган «Тошметроқурилиш трестининг механизация бошқармаси» ДК балансидаги 1998 й. и/ч, д/р 64-49ЕЦ, бошланғич нархи 25 058 000 сўм бўлган «SL-200 W-III» русумли экскаватор техникаси қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг **пайшанба** кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй. Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

**Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**БИЗНИНГ ШАРҲ**

## Ҳаётий манбаа

**МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКРИЧА, САЙЁРАМИЗДА ИЧИМЛИК СУВИНИНГ СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИГАН БЎЛСА, ИНСОНЛАРНИНГ ЎРТАЧА УМР КЎРИШИ ЎН ЙИЛЛИКДА 5-7 ЁШГАЧА ОШИШИ МУМКИН**



***Жаҳонгашта олим Жан Ив Кусто "Ер сайёрасини Сув сайёраси деб аташ керак" деган таклифни илгари сурганди. Бу бежиз эмас. Зеро, сайёрамизнинг катта қисми, яъни 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, чучук сув умумий сув миқдорининг 2 фоизга яқинини ташкил этади. Оби ҳаёт Ердаги энг азиз неъмат бўлиб, табиат бойликлари орасида алоҳида ўрин тутади. Бошқача айтганда, сув барча тирик жонзотлар ҳаётининг асосий манбаи.***

Сув ҳавзаларининг ифлосланиши билан боғлиқ муаммолардан асло кўз юмиб бўлмайди. Бугунги кунда сайёрамизда 1,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувига муҳтожликда кун кечирмоқда. Бир неча ўн йилликдан сўнг шаҳар аҳолисининг ҳар учтасидан биттаси тоза ичимлик сувига муҳтож бўлади. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда 2 миллиард 700 миллион киши санитария талабларига жавоб бермайдиган муҳитда истиқомат қилаётир. Экспертларнинг фикрича, жами касалликларнинг 20 фоизи атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли келиб чиқаётир. Оқибатда ҳар йили 5-7 миллионга яқин киши сув билан боғлиқ касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмади. Ақлан заиф чақалоқларнинг дунёга келиши ҳам жамоатчиликнинг диққат марказида. Тоза ичимлик суви етишмовчилиги оқибатида юзага келадиган хасталик туфайли ҳар куни 8 мингдан ортиқ одам, 20 сонияда бир бола нобуд бўлмоқда. Агар ичимлик сувининг сифати яхшиланадиган бўлса, дейди мутахассислар, инсонларнинг ўртача умр кўриши ўн йилликда 5-7 ёшгача ошиши мумкин.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ тарқатган ҳисоботга кўра, Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий Осиё минтақаси мамлакатларида сув етишмаслиги доимий жараёнга айланган. Бундан ташқари ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг ҳар 10 тадан 4 таси тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшашга мажбур бўлиб, бундай ҳолат 2025 йилга келиб, ҳар 10 нафар одамдан 6 нафари тоза ичимлик сув танқислигига учраш эҳтимоли бор.

Инсоният 2015 йилга қадар экологик шароитни нисбатан яхшилашни ўз олдига мақсад қилган. БМТ ҳисоботида ана шу вазифа ижроси таҳлил қилинади. Маълумотларда келтирилишича, сувнинг ифлосланиши ва нобоп санитария аҳволи - касаллик ва ўлимга етакловчи бош омиллардир. Мазкур муаммо ҳал қилинса, жамики хасталикларни 10 фоизга камайтириш мумкин. Бутунжаҳон соғликни сақлаш ташкилоти вакили Жейм Бартрамнинг айтишича, сайёра аҳлининг деярли ярми ичимлик сувини яшаш жойидан узоқ ҳудудлардан ташишга мажбур бўлмоқда.

— Бу борада Африка давлатларида вазият анча оғирлашган. Хотин-қизлар, болалар бир кунлик сув учун бир неча километр йўлларни босиб ўтишга мажбур бўлишмоқда," дейди у. — Бироқ умумий вазиятга қарайдиган бўлсак, ижобий ўзгаришни кўрасиз. Инсониятнинг 87 фоизи тоза ичимлик суви манбаига эга.

Ҳозир Ердаги сув миқдори бутун инсониятни қондиришга етади. Аммо бугунги кунда 1,5 миллиарддан ортиқ инсон тоза ичимлик суви, 2,6 миллиарди эса канализациядан маҳрум. Ҳисобот муаллифлари қиёслашади: тоза сувнинг етишмаслиги турли қуролли урушлардан ҳам хавфлироқ. Улар дунёдаги ривожланган саккизта давлатга сув ресурслари инқирозини бартараф этиш бўйича ялпи ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни ўз зиммаларига олишни таклиф қилишди. Бунинг учун ҳар йили 4 миллиард доллар керак.

Ўзбекистон 2003 йил 6 майда МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, "Сув ва сувдан тўғри фойдаланиш тўғрисида"-ги қонунни қабул қилди. Мамлакатимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи 8 та дарё - Қашқадарё, Чирчиқ, Сурхондарё, Зарафшон, Қорадарё, Норин, Амударё ва Сирдарё ҳамда давлат аҳамиятига эга бўлган 11 та ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларни ифлосланишидан муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 11 та қарори қабул қилинди. Сув ресурслари юртимиз учун нафақат аҳоли, саноат ва суғорма деҳқончиликни сув билан таъминлайдиган манба шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик ҳолатни маълум даражада сақлаб турувчи биринчи даражали омил ҳамдир.

Мамлакатимизнинг ер ости сувлари умумий сув ресурсларининг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодиётнинг ривожланишида, шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолисининг хўжалик-ичимлик сув таъминоти, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг асосий сув таъминот манбаси ҳисобланади. Олимларнинг айтишича, сув ресурсларини чегараланганлигини инобатга олиб, сувдан самарали фойдаланиш, сув танқис вақтларда суғорма сувларга минераллашган зовур сувларини зарур нисбатда аралаштирган ҳолда ҳамда ташлама сувлари билан қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда ишлатишдек услуб келажакда кенг қўлланилишини ҳозирги вазият тақозо этмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Ердаги сув захиралари 1 миллиард 400 миллион куб километрни ташкил қилади. Сув захираларининг атиги 2,5 фоизи чучук сув бўлиб, унинг катта қисми Антарктида ва Гренландия музликлари ва ер ости сувлари ҳиссасига тўғри келади. Инсоният истеъмол қиладиган сувларнинг манбаи кўл, дарё ва ер ости сувлардир. Ривожланаётган мамлакатларнинг 50 фоизидан кўпроғи сув камлиги ва канализация йўқлигидан келиб чиқадиган касалликларга чалинмоқда. Агар ифлос сувни истеъмол қилиб касалликдан вафот этаётган одамлар сонини қиёсласак, ОИТС ва безгак туфайли дунёдан кўз юмаётган бахтсизлардан кўра кўпроқ эканини кўрамиз. Улар орасида, айниқса, ёш болалар кўпчиликни ташкил этади.

Табиий сув ҳавзалари экологик барқарорликнинг бош омили. Сув ҳавзаларига тушган чиқиндилар сувдан кислородни тортиб олиб табиатга салбий таъсир кўрсатиши, яъни биологик барқарорликни издан чиқариши аниқланган. Шунингдек, океан, денгиз ва дарёларга атом электр станциясида ишлатиб бўлинган ядровий чиқиндилар, озиқ-овқат қолдиқлари, касалхона чиқиндилари, металл, кислота, нефть маҳсулотлари, пестицид, қишлоқ хўжалигида ишлатилган ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг ташланиши сувдаги кислород захирасини камайтириб, фауна ва флорани йўқ қилмоқда. Сув ҳавзаларининг ифлосланиши оқибатида санитариявий аҳвол ёмонлашмоқда, бу, ўз навбатида, мазкур ҳавзалардан ирригация ва хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш имкониятларини чекламоқда. Бундан балиқчилик хўжалиги катта зиён кўраётир. БМТ маълумотларига кўра, денгиз ва дарёларнинг минерал ўғитлар билан ифлосланиши оқибатида жаҳон балиқчилик соҳаси йилига 50 миллиард доллар миқдорида зиён кўради.

Сув муаммосини ҳал қилиш нафақат эзгу иш, балки жаҳон иқтисодиёти учун истиқболдаги бизнес-лойиҳалардан биридир. Сувга эҳтиёж кучайган сари, унинг нархи ҳам ошмоқда. Сўнгги 50 йилда нефть нархи 10 баробар, маиший эҳтиёжлар учун сув нархи 100 баробар, тоза ичимлик сувининг баҳоси эса 1000 баробар ўсган. Нефть соҳасини ортда қолдираётган сув саноати жаҳондаги энг тараққий этаётган тармоққа айланиб улгурди. Айни дамда сув бизнеси йилига 30-40 фоизга ривожланиб бориши натижасида "сув бойваччалари" пайдо бўлмоқда. Бу соҳа бир йилда кўрадиган даромад 1 триллион долларга етган. Бу нефть ва фармацевтика компанияларининг фойдасидан 40 фоиз кўпдир. Сув ресурсларидан фойдаланиш халқаро институти вакилларининг сўзларига қараганда, сўнгги 100 йилда ер юзи аҳолиси икки баробар кўпайган бўлишига қарамай, сув истеъмолига талаб етти баробар ошган. Шуларни инобатга олган ҳолда БМТ Бош Ассамблеяси ўтган йили инсонларнинг "хавфсиз ва тоза ичимлик сувига эга бўлиш" ҳуқуқига бағишланган тарихий резолюция қабул қилди.

Кузатувчиларнинг фикрича, миллионлаб инсонларга умр бағишловчи сув - бу ҳаёт эканини яна бир бор кенг жамоатчиликка етказиш фурсати етиб келган. Инсон сувсиз уч кундан ортиқ яшай олмайди. Инсоният сувнинг ҳаётимиздаги аҳамияти муҳимлигини билиб турсада сув ҳавзалари, иншоотларни чиқинди ва ахлатлар билан тўлдириб, ифлослантиришда давом этмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб ҳудудларида нафақат ичимлик суви, балки далаларни суғориш, саноатда ишлатиш учун ҳам сув етишмаяпти. Олимлар яна 20-25 йилдан кейин глобал сув тақчиллиги юзага келишидан хавотир олишмоқда.

Агар XXI аср бошларида сайёрамиз аҳолисининг 40 фоизи сув ресурсларидан фойдаланиш имконига эга бўлмаган бўлса, келгуси 10-12 йилдан сўнг Ер юзи аҳолисининг 60-65 фоизи айни шу муаммо билан тўқнаш келиши мумкин. Бу жаҳондаги 80 мамлакатда истиқомат қилувчи 5 миллиард киши демакдир. Маълумотларга кўра, бугунги кунда сув танқислиги нафақат Африка, Осиё ёки Америкада балки, Европада ҳам кузатилмоқда. БМТ тарқатган хабарга кўра, айни пайтда қитъадаги 23 миллион аҳоли тоза ичимлик суви етишмовчилигидан азият чекаётир. Бошқача айтганда, ҳозир қарийб ўттизта давлат сув инқирози хавфи билан тўқнаш келган. 2007 йилда Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатлар томонидан ўтказилган халқаро конференцияда сув муаммосини ҳал қилиш миллий хавфсизликни таъминлашдаги муҳим омил эканини таъкидлашган эди. Бугун бу фикр нақадар тўғрилиги аён бўлмоқда.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**"Milliy tiklanish" шарҳловчиси**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Нетбук олмаган маъқул

**Нетбук ишлаб чиқарадиган кўплаб компаниялар ушбу технологияларни ишлаб чиқаришни тўхтатишни режалаштирмоқда.**



Боиси, жаҳон бозорида янги турдаги телефон аппаратларининг яратилаётгани бундай қурилмаларга талабнинг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда. Аллақачон Тайваннинг "Asus" компаниясида нетбук ишлаб чиқариш тўхтатилган. Ҳозирги кунда жаҳон бозорида планшет ва ноутбукларга талаб жуда юқори.

## Жиддий чора зарур

**Европа Иттифоқи аҳолиси чиқиндига ташлаб юбораётган озиқ-овқат маҳсулотлари йилига 90 миллион тоннадан ошмоқда.**



Бу кўрсаткич киши бошига 179 килограммга тўғри келмоқда. Ачинарлиси, чиқиндига айланадиган маҳсулотларнинг 60 фоизи ҳали айнимаган бўлиб, истеъмолга яроқли маҳсулотлардир. Увол бўлаётган маҳсулотларнинг 42 фоизи одамлар, 39 фоизи ишлаб чиқарувчилар, 14 фоизи кафе ва ресторанлар ва 5 фоизи чакана савдо билан шуғулланувчилар ҳиссасига тўғри келмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, европаликлар увол қилаётган маҳсулотлар ҳажми йил сайин ортмоқда. Агар бирор чора кўрилмаса, 2020 йилга бориб чиқиндига айланаётган маҳсулотлар ҳажми йилига 126 миллион тоннага етади.

## Миллий қадрият ривожи йўлида

**Эндиликда Германия музейларига кириш бепул.**



Мамлакат ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорга кўра, 18-25 ёшли йигит-қизлар Германиядаги элликта йирик музей ва кўплаб тарихий обидаларни бепул зиёрат қилиш имконига эга бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу лойиҳа ёш авлоднинг миллий қадриятлар, урф-одатлар ва тарихга қизиқишини оширишга хизмат қилади.

*Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди*

**РАНГИН ДУНЁ**

## Химэдзи қасри

***Шарқий Осиё ва Тинч океани оролларида жойлашган Япония 6,8 мингга яқин ороллар йиғиндисидан таркиб топган. Бугунги кунда Япония дунёдаги энг ривожланган давлатлар сирасига киради. Тарихи ва маданияти бой мамлакатда миллий анъана ва удумлар, қадимий обида ва ёдгорликлар юксак даражада қадрланади. Шунданми, инсон қўли билан яралган бетакрор иншоотлар мамлакатда кўплаб топилади.***



Денгиз сатҳидан 45,5 метр баландликда жойлашган, ўзининг ажойиб кўриниши билан инсониятни ҳайратга солиб келаётган Химэдзи қасри ҳам Япониянинг ўрта асрларга оид тарихий обидаларидан саналади. 1993 йили қаср ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилди. Кунчиқар мамлакатнинг миллий хазинаси ҳисобланмиш мажмуа 83 та бинодан иборат бўлиб, тош ва ёғочдан қурилган. Химэдзи айнан шу номдаги шаҳар марказида, Кобэдан 50 километр ва Токио шаҳридан 650 км. ғарброқда жойлашган. Энг қизиғи, Химэдзи қасри Япониядаги бошқа қаср ёки саройларга ўхшаб қирғинбарот ёки зилзилалардан зиён кўрмаган. Энг қизиғи, мамлакатнинг элликка яқин ҳукмдори Химэдзидан етишиб чиққан.

Қаср қурилиши XIV аср ўрталарида Химэ тоғи этакларида бошланган. Химэдзи қасрининг пойдевори ниҳоятда баланд бўлиб, уни қуйишда оддий тошлардан фойдаланилган. Деворлари оппоқ тусда бўлган мажмуанинг ички ва ташқи кўриниши анъанавий япон меъморчилиги услубига тўла жавоб беради. 1333-46 йилларда Химэдзи мажмуаси қўлдан-қўлга ўтиб келаверди. Айниқса, 1467-77 йилги фуқаролар уруши даврида қасрни самурайлар эгаллайди. XVI аср охирига келиб, мажмуа ҳарбий қўмондон Тоётоми Хидэёсининг шахсий мулкига айланади. Бу пайтга келиб Химэдзи анча таъмирталаб бўлиб қолган эди. 1601 ва 1609 йиллар оралиғида олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида қаср янгидан-янги қурилмаларга бойиди. Ушбу қурилмалар устида эса баландлиги 45 метрни ташкил этувчи етти қанотли асосий минора бунёд этилди.

Тоётоми бошчилигидаги таъмирлаш ишлари 1618 йилгача давом этади ва қаср ҳудудида қўшимча миноралар қурилади. Худди шу йили Химэдзи қасри атрофида катта боғ барпо қилинди. Боғ спиралсимон яшил йўлаклардан иборат бўлиб, бир нечта қисмга ажратилган. Бундай боғ қасрга ҳужум қилиш ниятида бўлганларни йўлдан адаштириши, душман боғаро тентираб юрган бир вақтда қасрдагилар ҳужумга тайёргарлик кўриб олиш мақсадида яралган эди. Афсуски, Химэдзида айнан шу йилларга келиб тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Натижада, боғ-лабиринтга бўлган эҳтиёж ўз-ўзидан йўқолади.

Умумий майдони 220 000 квадрат метрни ташкил қилувчи қасрнинг беш қаватли асосий, шунингдек, ҳажмига кўра бир-биридан фарқ қиладиган яна учта минораси бор. Бундан ташқари, қаср ўзининг ҳимоя девори, сон-саноқсиз дарвоза ва боғларига ҳам эга. Мажмуа таркибига кирувчи ҳар бир хона ўзининг гўзаллиги билан киши эътиборини тортади. Япониядаги аксарият саройлар каби Химэдзи ҳам ёғочдан қурилган. Қасрда ёнғин чиқиш хавфи кучли бўлгани боис, унинг барча девор ва устунлари оқ сувоқдан чиқарилган. Қасрни безашда миллий анъаналар ҳисобга олинган. Миноралар томида эса ўша даврга хос ўймакорлик намуналари ўз аксини топган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида қаср қайта реставрациядан чиқарилиб, музейга айлантирилади. Бугун Химэдзи мажмуаси таркибига асосий минорадан ташқари, 21 та минора, 38 та хона, ҳимоя учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, шунингдек, хушманзара боғу роғлар киради. Япония дурдонаси ҳисобланмиш Химэдзи қасри бугунги кунда ҳам ўз тароватини йўқотмаган. Апрель ойи ўрталарида боғ янада чирой очади. Сабаби, қаср боғларида сакура гуллайди. Бу манзарани томоша қилиш нафақат японларга, балки дунё сайёҳларига бир олам қувонч ҳадя этиши шубҳасиз.

**Зафар МУҲАММАД**

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### Халқаро ярмарка

**Шу йилнинг 31 октябридан 2 ноябригача пойтахтимизда 18-Тошкент халқаро туристик ярмаркаси бўлиб ўтади.**

Кўргазманинг асосий бўлимларида сайёҳлик, экологик, экстремал, спорт, тиббий ва ташкилий туризмга оид маълумотларни олиш мумкин. Тадбирни янада жозибали ўтиши учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда фаолият кўрсатаётган бадиий жамоалар, халқ ансамбллари ўз дастурларини намойиш этади. Шунингдек, кўргазмада "Суғдиёна" миллий либослар театри, "Қалдирғоч" цирк жамоаси, "Болтабоевлар" дорбозлар гуруҳи, "Осиё" ва "Наво" карнай-сурнай гуруҳлари иштирок этиши кутилмоқда.

**Гўзал РАҲМОНОВА**

### Женисбек Гран-при совриндори бўлди

**Ўзбекистонлик бас-баритон Женисбек Пиязов Москвада бўлиб ўтган Муслим Магомаев номидаги II Халқаро вокалчилар танловида Гран-при совринини қўлга киритди.**

Дунёнинг турли мамлакатларидан келган 200 нафар ижрочи орасидан 17 нафар қўшиқчи танлаб олинди. Финалга чиққан қўшиқчимиз ҳайъат аъзолари томонидан ғолиб топилди ва танловнинг юксак мукофотига сазовор бўлди. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида ўз фаолиятини эндигина бошлаётган иқтидорли санъаткор, бас-баритон Женисбек Пиязов республика миқёсида ҳам вокал ижроси бўйича қатор соврин ва юқори ўринларни эгаллаган. Франция, Португалия, Малайзия, Испания ва бошқа мамлакатларда ўтказилган фольклор фестиваль ва танловларнинг иштирокчиси 2010 йилда "Шуҳрат" ордени билан тақдирланган.

# КЎЗГУ

## АМАЛИЙ САНЪАТ

## Бардавом анъаналар



***Нуротада ўғил уйламоқчи бўлган кишидан, албатта келинингиз шу юртнинг фарзандими, деб сўрашади. Бу бежиз эмас. Чунки бу юртнинг қизларига болалигиданоқ ҳунармандчилик сир-асрорлари ўргатилади. Вояга етиб мустақил турмуш қуриш остонасида турган ҳар бир қиз келин бўлиб тушадиган хонадонига ўзи тиккан кашталари ва ҳатто ўзи тўқиган гиламларини олиб келади. Бу анъана йиллар ўтса-да, ўз қадр-қимматини йўқотмай келмоқда.***

Нурота каштачилик мактаби ҳақида кўп эшитгансиз. Ҳудуд аёлларининг қўл меҳнати маҳсули бўлган қадимий "босма чок"ли кашталарининг довруғи дунёга кетганлиги ҳақиқат. Эътиборлиси, муқаддас қадамжолар шаҳри нафақат каштачилиги, балки азал-азалдан кулол ва косиблари, зардўзу тўқувчилари, бешиксозу гиламдўзлари билан ҳам дунёга донғи кетган.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони асосида уста-ҳунармандлар меҳнатини муносиб рағбатлантирилаётгани, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиб, касаначиликнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлиги Нурота ҳунармандчилигини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда тумандаги уста-ю чеварлар ота-боболаридан мерос миллий ҳунармандчилик сир-асрорларини ёш авлодга ҳам ўргатиб келишмоқда. Мазкур халқчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, туманда 284 нафар тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилди, улар учун керакли шарт-шароитлар муҳайё қилинди.

Туман марказидан 20 чақирим узоқликда жойлашган Янги бино қишлоғидаги ҳунармандчилик анъаналари билан танишар эканмиз, бу замин аёлларининг азалдан гилам тўқиш билан шуғуллангани, бу ҳунар авлоддан- авлодга ўтиб келаётганганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Айниқса, вилоят ва туман миқёсида ўтказилган турли кўрик-танловлар иштирокчиси, қўлигул ҳунарманд Ҳожима Муродова ва унинг шогирдлари гиламчилик маҳоратида асрлар қатига сингган азалий услублар ифода топгандек, гўё.

Ҳожима опа кўп йиллардан бери ушбу момомерос ҳунар сирларини ёшларга ўргатиб, устоз мақомига эришганлардан. Қўлигул гиламчи ва унинг шогирдлари томонидан қўй жунидан тўқилган табиий терма, холи, қоқма каби гиламлар нафақат вилоятимизда, балки қўшни вилоят бозорларида ҳам харидоргир.

— Биз тўқиётган бу гиламлар аввало инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур. Қўй жунидан ҳеч қандай синтетик маҳсулотлар аралаштирмасдан табиий гилам тайёрлаймиз. Улар иссиқлиги ва чидамлилиги билан бошқа гиламлардан ажралиб туради. Дастлаб қирқиб олинган қўй жунини саралаб, энг сифатли ва майинини танлаб оламиз. Кейин мана бу кўҳна урчиқ ёрдамида жун обдон йигирилиб ипга айлантирилади. Сўнгра гиламга тушириладиган гул нақши асосида ипларни катта қозонда табиий бўёқлар билан бўяб оламиз. Ана шу жараёнлар тугагач гилам тўқишга киришамиз. Бир дона ўртача катталикдаги гиламни тўқиш учун камида 9-10 килограмм жун ва бир ҳафта вақт кетади, - дейди Ҳожима опа.

Ҳам қадимий, ҳам янги андозалар асосида тайёрланаётган гиламларни кўздан кечирар эканмиз, уларнинг сифат жиҳатдан пишиқ-пухталиги эътиборимизни тортди. Беихтиёр биз суҳбат қураётган меҳмонхонага тўшалган гиламлар ва унга уйғун равишда тикилган дарпардаларга, Ҳожима опанинг келинлари Гулсанам ва Нилуфар томонидан тикилган нақши-нигор кашталарга ҳавас нигоҳи билан боқдик.

Мақоламиз қаҳрамони, ҳунарманд опамизнинг асли касби ўқитувчи. У меҳнат нафақасига чиққунига қадар ҳудуддаги 11-умумтаълим мактабида ёш авлодга ботаника фанидан дарс берган. Мулоқотимиз давомида Ҳожима Муродова ўзи ҳунар ўргатган шогирд-ўқувчилари эришган муваффақиятларни ғурур билан тилга олди. Суҳбатимиз жараёнида қўли- қўлига тегмай ип йигираётган моҳир тўқувчининг самимий, содда, нуроталикларга хос бўлган шижоатини кўриб дилдан қувондик.

— Нурота ҳунармандлар юрти. Деҳибаланд ва Чўяда, Қизилча ва Сентобсойда ҳам Ҳожима Муродова сингари аёллар гилам тўқиш билан шуғулланади. Ҳунари орқасидан оиласи даромадига муносиб улуш қушаётган ва энг муҳими маҳалла ёшларига ҳам ҳунар ўргатаётган бу қўлигул хотин-қизлар ҳақида қанча ёзсангиз камлик қилади, - дея суҳбатимизга қўшилди ЎзМТДП Нурота туман Кенгаши раиси Саттор Ғаффоров.

Дарҳақиқат, туманда Ҳожима опа каби тажрибали ҳунармандлар талайгина. Жумладан Роҳила, Зубайда, Зулхумор, Рухсора, Санобар, Гулмира, Дилрабо опаларнинг қўл меҳнати маҳсули бўлган гиламлар кўплаб юртдошларимизнинг хонадонларини безаб турибди. Уларнинг ҳам ўнлаб шогирдлари бор. Бу эса кўҳна ҳунарнинг янгича ҳаётий маъно касб этаётганидан, "устоз- шогирд" анъанасининг бардавомлигидан далолатдир.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## ОНА ЮРТИМ

## Бахмал — сўлим маскан



***Ўқув даргоҳимизда ташкил этилган "Ёш сайёҳлар" тўгараги аъзолари билан қўшни Бахмал тумани тоғлари, муқаддас ва зиёратгоҳ жойларига саёҳат уюштиришни мақсад қилган эдик. Саёҳат олдидан озиқ-овқат ва зарурий анжомларни сафар халталарга жойлаштириб қўйдик.***

Бахмал туманини тоғларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ном табиатнинг ўзидан келиб чиққан. Асосий бойликлари - унинг бетакрор ўрмонлари ва ўсимликлар дунёсидир. Ҳудуддаги Туркистон ва Моргузар тизма тоғларини боғлаб турувчи ниҳоятда гўзал ва оромбахш маскан Новқанинг табиати бой ва хилма-хил, ўзига хос ўсимлик оламига эга. Кўп асрлик арча ва чинор дарахтлари умрбоқийлик рамзи ҳисобланади. Географик жиҳатдан энг қулай жойлашган. Шохларини зўрға кўтариб турган олма, бодом, писта каби мевали дарахтлар киши эътиборини ўзига тортади. Бу масканда биргина олманинг 20 га яқин нави парвариш қилинаркан. Тоғларида кийикўт, пидина, наъматак каби доривор гиёҳлари мўл-кўл. Шунинг учун қадимдан табиблар юрти, деб бежиз айтишмаган.

Биз сафар давомида Қонтомди дараси, тик ва осмонўпар қояларга боқиб беихтиёр маҳлиё бўлдик. Теварак-атрофда бир нечта сув манбалари мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Юқоридаги Тераклисой дарёсининг шовуллаши, анҳор ва жилғалардан муздек сувнинг шилдираб оқишини эшитиб чарчоқни унутгандай бўласиз. Улар инсонларга наф келтиради. Бири-биридан гўзал манзаралар. Теварак-атроф гўзаллигини ҳис этиш учун эса ҳеч бўлмаганда булоқларини томоша қилсангиз кифоя. Ҳеч қачон тугамайдиган ва эскирмайдигандек гўё. Саховатли яйловлари эса минглаб жониворларга озуқа беради. Яйловдаги ўтўланлар ранг-баранг тусга киради. Кўзни қамаштирувчи мўлкўл гулзорларни кўриб кўзингиз яшнаб кетади. Улар худди рассом чизган суратдек бизни ўзига ром этади. Пастлаб сузаётган булутлар бўлиниб зангори осмон кўзга ташланади. Салқин тоғ шамоли эсиб турар, бу эса руҳиятимизга хушнудлик бағишларди.

Куннинг иккинчи ярмида Новқанинг шарқий қисмида жойлашган Ўсмат ота мақбараси, Мўғол хонақоҳи ҳамда бир қанча масжид ва зиёратгоҳларда бўлдик. Иншоотлар бу ернинг ландшафтига уйғун келган. Ҳовузлардаги балиқлар муқаддас саналади.

Бундан ташқари Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари, Сангзор дарёси соҳиллари ва Амир Темур дарвозасига қилган саёҳатларимиз ҳам ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди. Тўгарак аъзоларидан Жаҳонгир Бозоров, Азиз Алиев, Моҳира Жалолова ва бошқалар юқорида тилга олинган масканлар она табиатнинг ажралмас қисми ҳисобланиши, табиат ва тириклик ўзаро уйғун эканлигини чуқурроқ англаб етдилар.

Ҳа, инсон ҳаёти - яшиллик олами билан узвий боғлиқ. Уни вужудга келтириш, бебаҳолигини ҳис этиш барчамизнинг бурчимиздир. Бу тинимсиз меҳнат ва заҳматлар эвазига амалга оширилади, албатта.

**Ирода ҚОБУЛОВА,**
**Жиззах шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг олий тоифали ўқитувчиси**

## РИВОЯТ

## Ҳакимнинг васияти

Бир ҳаким болаларини тўплаб, шундай деди:

— Эй, кўзимнинг нурлари! Мол-дунёга иштиёқ қўйиш яхши эмас. Сизга фақат ҳунар ўрганишни васият қиламан. Олтин-кумуш ҳам кишини хавф-хатарга қўядиган матодир. Уларни ўғри олади-ю кетади. Ёки эгаси секин-секин сарфлаб тугатади. Лекин ҳунар суви тугамайдиган булоқдир. Ҳунарли кимса ишдан кетса ҳам ғам етмайди. Қаерга борса ҳам шарафли мавқеини тиклаб олаверади. Ҳунари йўқ қаерга борса тиланади, миннатларга дучор бўлади.

## БИЛАСИЗМИ?

Дастлабки патент бюролари XVII асрда Англияда пайдо бўлган. Америкада XVIII асрга келибгина патент бюролари очилган.

* * *

Илк суғурта 1151 йили Исландияда қайд этилган. Ўшанда одамлар ўз жонини ўлат ва ёнғиндан суғурта қилган.

## ТУРФА ОЛАМ

## Қаҳратонда ҳам музламайди

**НИДЕРЛАНДИЯДА ВЕЛОСИПЕДЛАР ҲАРАКАТИ УЧУН АЛОҲИДА ЙЎЛЛАР ҚУРИЛИШИ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ.**



Махсус қоришма билан қопланадиган бундай йўллар қаҳратон қишда ҳам музламайди. Шу боис велосипед ишқибозлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида хавотирсиз манзилларига етиб олишлари мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатнинг Зютфен ва Утрехт шаҳарларида қурилиши кутилаётган мазкур йўллар велотранспортдан фойдаланувчилар ўртасида юзага келадиган кўплаб ҳалокатларнинг кескин камайишга хизмат қилади.

## Картондан қурилган ресторан

**ХИТОЙЛИК ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН КАШФ ЭТИЛГАН УШБУ РЕСТОРАНДАГИ СТОЛ-СТУЛЛАРДАН ТОРТИБ, ЛИКОПЧА-Ю ЧАШКАЛАРГАЧА ПРЕССЛАНГАН ҚОҒОЗДАН ЯСАЛГАН.**



Бундай анжомлар жуда арзон туради. Бунинг устига муассаса хўжайини берган ваъдасига кўра, агар хўрандалардан бирортаси интерьер предметини бузиб қўйса, бу буюмларнинг нархи ҳисобга киритилмайди. Бузилган буюм шунчаки қайта ишлашга юборилади. Ғоя муаллифларининг айтишича, баъзи меҳмонлар бошида бундай нозик мебелга ўтиришга қўрқишади, бироқ бундай ҳолларда залга бош ошпаз чиқиб, мижозларнинг барча хавотирлари беҳуда эканини кўрсатиб беради.

## Фойдали тадқиқот

**РУҲИЙ ЗЎРИҚИШГА ЙЎЛИҚҚАН ОДАМ ҲАР КУНИ 7-8 ПОРЦИЯ МЕВА ВА САБЗАВОТ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИБ ТУРИШИ КЕРАК.**



Бу 80 минг киши иштирокида ўтказилган тадқиқот хулосасидир. Манбада келтирилишича, олимлар тадқиқот қатнашчиларига кундалик овқатланиш рациони билан боғлиқ бир нечта саволлар билан мурожаат этишган. Жавоблар 0 дан 10 баллгача баҳолаб борилган. Натижада, бир кунда 8 порциягача сабзавот-мева маҳсулотларини истеъмол қилганлар катта балл тўплашган. Шунга кўра, тадқиқотчилар табиат инъомларини севиб ейдиганлар бошқаларга қараганда ўзларини анча тетик, қувноқ ва бахтиёр ҳис этишади, деган фикрга келишган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1019, Адади — 4749. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи: Дилфуза РЎЗИЕВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.50.
ISSN 2010-7714
12 45